

Наврўзи олам фалсафаси бизнинг орзу-интилишларимиз, амалий ишларимиз билан узвий боғланиб кетганини бугун ҳар қадамда яққол кўриш мумкин.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



# Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil  
19-mart  
chorshanba  
№ 11 (1438)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan

www.uzhurriyat.uz



gazhurriyat@mail.ru



t.me/hurriyatuz



Hurriyat gazetasi

## ШУКУХ



### Уч байрамни бағрига олган ой

Мартни баҳорнинг дастлабки оёи, яшариш ва яратиш мавсуми сифатида биламиз. Унинг яна бир хусусияти бор. Ўзбекистонимизда ҳар йили 9 та умумхалқ байрами дам олиш куни сифатида кенг нишонланади. Шунинг 2 таси — Халқаро хотин-қизлар байрами ва Наврўз айнан март ойига тўғри келади.

Аммо бу йил муқаддас Рамазони шариф ҳам айнан мартнинг биринчи кунидан бошланади. Ойнинг охириги куни эса Рамазон ҳайити — умумхалқ байрами.

Рости, уч умумхалқ байрамни ўз бағрига олган ойни энди кўришимиз. Бу улғу инъом, ёруғ муждалар муборақ бўлсин!

### Янгилик

Шу йилнинг 21 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2025 йил Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида” ПҚ–68-сон қарори қабул қилинди.

Унга 1-илова тарзида тасдиқланган “2025 йилги Наврўз умумхалқ байрамнинг гоёвий-бадий концепцияси”да, жумладан, Наврўз фасли — март ойида халқимизнинг улғу намоёндалари бўлган машҳур сиймолар таваллуд айёмларини байрам шодиёналари билан ҳамоҳанг ҳолда ўтказиш белгиланиб, бунинг тарбиявий нуқтаи назардан катта таъсир кучига эга бўлиши алоҳида таъкидланган.

Биз ҳар йили оммавий ахборот воситаларида, турли маънавий-маърифий тадбирларда дунёвий руҳда фаолият олиб борган не-не буюкларимиз туғилган кунларини нишонлаб келаемиз. Лекин ҳаётини диний-тасав-

вуфий йўналишдаги фаолиятга бағишлаган табарруқ зотларимиз юбилейларини ўтказамиз-у, уларнинг таваллуд топан кунига у қадар эътибор қаратмас эдик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори ана шу кенглигимизга барҳам берди. Чунки қарорнинг юқорида тилга олинган 1-иловасида Зулфияхоним (1 март), Озод Шарафиддинов (1 март), Хожо Муин (15 март), Абдулла Орипов (21 март), Мирзо Улуғбек (22 март), Шукр Холмирзаев (24 март) сингари дунёвий шоиру адибу алломаларимиз қатори, тарихимизда биринчи марта Маҳмуд Замахшарий (19 март), Алихонтўра Соғуний (21 март) ва Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувоний (24 март) каби диний-тасаввуфий йўналишда фаолият олиб борган боболаримиз таваллуд кунларини Наврўз байрамига ҳамоҳанг тарзда кенг нишонлаш белгиланди.

Бу — эзгу анъананинг бошланиши. Ишончимиз комилки, ҳар йили шундай бўлади, иншооллох!

3-6.

## ТУЙҒУ



### Баҳор келди, азизим!

Тоғлар бошига боқдим, оппоқ-оппоқ орзулар,  
Осмонга қарагандим, мовий-мовий туйғулар,  
Сойларда бахт товуши — қиқир-қиқир кулгулар,  
Баҳор келди, азизим,  
Баҳор келди, азизим!

Бахтим кулиб менинг ҳам бир жуфт қора кўз топдим,  
Қаро кўзлар қаъридан ойдин-ойдин сўз топдим,  
Гаҳи кимхоб топдим ман, гаҳи парча бўз топдим,  
Баҳор келди, азизим,  
Баҳор келди, азизим!

Томирларда гупуриб алвон-алвон гул оқди,  
Ой ойдин юздан боқди, кун кундай кўздан боқди,  
Бугдўйзор адирларим ям-яшил гулхан ёқди,  
Баҳор келди, азизим,  
Баҳор келди, азизим!

Онажон, сумалакдек ризку рўз — тансиқ сўзинг,  
Отажон, бобокўёш тафтидек иссиқ сўзинг,  
Кўнглим, оламни тутсин гулларга ошиқ сўзинг,  
Баҳор келди, азизим,  
Баҳор келди, азизим!

Уйғониш айёмидан тан ичра жон ҳам янги,  
Мўҳаббат ва садоқат, ҳис-ҳаяжон ҳам янги,  
Борлиқ-табиат янги, кўҳна жаҳон ҳам янги,  
Баҳор келди, азизим,  
Баҳор келди, азизим!

Ғайрат МАЖИД

## ИККИНЧИ ФИКР

### ГАП ФАҚАТ ЧИЗИҚЛАР ҲАҚИДА ЭМАС!

Ёки жарималар халқчилми?

Бу дунёда ҳаммамиз ҳам йўловчимиз. Пиё-дами, жамоат транспортларида, автоуловни бошқарган ҳолда, ишқилиб, йўлда юрамиз. Ана шу йўллар, йўлларда юришнинг, албатта, ўз маданияти, қонун-қондаси бор. Бўлиши ҳам керак!

Юртимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар, йўл ҳаракати қоидалари ва айрим қонунларга киритилган ўзгаришлардан келиб чиқиб, шу муборақ Рамазон ойида бўлса ҳам бир-икки оғиз мулоҳазаларни ўртага ташлашни лозим деб топдим.

Яқинда Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг жиноят, жиноят-процессуал кодексларида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги ПҚ–1033-сон қонуни қабул қилинди.

Мазкур Қонун билан айрим қонун ҳужжатларига йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган, шу жумладан, кўпол қоидабузарликлар содир этган шахсларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс томонидан транспорт воситаларини тақдоран бошқарганлик учун жиноий жавобгарлиқни белгиллаш, йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича ҳисобланадиган жарима баллари белгиланган миқдордан ошганлиги учун маъмурий жазо қўллаш, шунингдек, сиқилган табиий газда, султирилган нефть газда ишлайдиган транспорт воситалари иштирокидаги ҳодисалар бўйича алоҳида моддаларда маъмурий ва жиноий жавобгарлиқни белгиллаш назарда ту-тучи ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди.

Унга қўра қайта-қайта қонунбузарлик қилиш натижасида тўпланган жарима баллари бир йил ичида 12 баллга етган ҳайдовчилар қамда 6 ойга, кўли билан 3 йилгача ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум этиладиган бўлди. Ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум этилган шахс ўзбошимчилик билан яна рулга ўтирса, бунинг учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Тегилли қонун Сенатда маъқулланган.

12 балл. Битта қоидабузарликка 2 баллгача жа-

рима ҳисобланиши мумкин. Демак, бир йил давомида 6 марта қоида бузилса, ҳайдовчи “праваси”дан маҳрум бўлади-ми? Ўйлаб кўринг, бу қанчалик адолатли?

Энди ана шу масалага ҳукумат қандай қарайди? Ахир 30-40 йиллик тажрибага эга ҳайдовчи ҳам йил давомида беш-олти марта йўл қоидасини бузмайди деб ҳеч ким қарор беролмайди-ку. Тўғри, қонун — ҳаммага баробар. Лекин бош мақсад — одамларни жазолаш эмас, йўл қоидалари маданиятини мустаҳкамлаш эмасми? Шу боис, кўпчилик ҳайдовчиларнинг фикрича, жарима баллари битта қоидабузарликка 0,5 баллгача ҳисобланиши мақсадга молиқ ҳисобланади. Яна йўл қоидаларига амал қилиш бўйича: айтилиқ, светофорнинг чироғи липиллаб ёниб турган пайда “сарик”да ўтган ҳайдовчи ёки таққоловчи белги бўлишига қарамай, зарурат туфайли тўхтаган, ёхуд йўл чизигини босган ҳайдовчини қаттиқ жазога тортиш ҳолатлари қанчалик тўғри?

Албатта, транспорт воситасини маст ҳолда бошқарган, ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмади туриб рулга ўтирган, йўлнинг қарама-қарши тарафидан машина ҳайдаш сингари кўпол қоидабузарликларга жиддий чора белгиланганига ҳеч қандай эътироз бўлиши мумкин эмас.

Ҳайдовчи ҳеч қандай авария ҳолатларини келтириб чиқармаса ёки светофорнинг қизил белгисига тўхташ чизигини озгина босиб тўхтаган бўлса, нега унга жарима жазоси белгиланиши керак? Ахир бу қоидалар кўпгина давлатларда, мисол учун, ривожланган Туркия, Ҳиндистон сингари мамлакатларда ҳам йўқ-ку?! Қолаверса, чизикчи босса нима қилади?!

Яқинда “Маданият ва маърифат” телеканалида шу мавзуда яхши бир суҳбат-курсув бўлди. Унда бир қатор ИХХБ вакиллари зўр бериб янги қонун-қоидаларни маъқуллаб чиқишди. Ўртага ташланган айрим саволларга “оғриниб” жавоб қайтаришди. Гуё фақат улар ҳақ, ҳайдовчилар, йўловчилар барибир ноҳақ.

Адолатли фикр, муносабат бундай бўлмайди! Сир эмас, ҳамон эсимизда: бир неча йиллар аввал кундуз кунлари ҳам автомобилларнинг чироқларини ёқиб юриш тартиби қаттиқ ҳимоя қилинган эди. Ана шунда кўплаб юрдошларимиз бу қоида умуман бизга тўғри келмаслиги, иқлимимизнинг тумани эмаслиги, айниқса, ёз пайтлари 40-50 даража иссиқ бўлиши ҳақида куюниб эътироз билдиришганда ҳам бирорта ЙПХ хо-

дими халқнинг фикрини “тўғри” демади. Худди шунингдек, автомобилларнинг ойналарини қорайтиришга ҳам зўр бериб қарши муносабатда бўлишган. Ҳатто қайси-дир бир қимсанинг “ойнаси қорайтирилган машинада фарзандингизни олиб юрсангиз, ҳаммаёқ қоронғи, кўрқинчли бўлади” деган тутуруқсиз гапини кўпчилик хали-ҳануз истехзо билан эсласа керак. Лекин катта миқдорда пул тўланса, ойнаси қорайтирилган автомобилда юриш мумкин экан. Хайрият, бу масалани кейинчалик ҳукумат ижобий ҳал қилди.

Ҳайрон қолади киши. Дунёнинг энг катта шаҳарлари йўлларида ҳам бизнинг пойтахтимиздагидек таққоловчи белгилар кўп қўйилмаган бўлса керак. Катта дўконлар, бозорлар, ўқув даргоҳлари, умуман, биронла кўча четидага автомобилнингизни қўйиб кетишингиз мумкин эмас. “Парковка”лар эса деярли йўқ. Хўш, ҳайдовчилар автоуловларини қаерга қўйсин? Ҳатто тақси хизматларидан фойдаланилганда ҳам ҳайдовчилар дод дейишади. Айтилиқ, Алишер Навоий кўчасига “Яндекс” хизматидан фойдаланиб машина чақирсангиз, автоуловнинг кутиб туришига жой йўқ. Бу муаммо ҳам адолатли ҳал қилиниши керак. Йўл четидаги сарик чизиларини ҳеч бўлмаसा тенг яримга қамайтириш, керак-ноқерак жойлардаги таққоловчи белгиларни олиб ташлашнинг пайти келмадими?

Йўлларнинг носозлиги, айниқса, баҳор ойларидаги йўлларнинг қўлчилиги ҳатто авария ҳолатига олиб келаётди. Бу ҳам жиддий масала. Аввало, йўллар талаб даражасида бўлиши, кейин қоидабузарларни жазога тортиш адолатдан бўлмайди-ми? Нима эмиш, йўллардаги носозликлар ёки бошқа сабаблар туфайли жаримага тортилганда фуқаролар судга мурожаат қилиши керак экан. Битта жарима деб судмасдۇк юришга вақтни одамлар қаердан олсин?!

Эътирозлар жуда кўп. Уларнинг кўпини эса ноўрин деб бўлмайди. Ҳукуматимиз йўл ҳаракати хавфсизлигига доир кўплаб қоидаларнинг амалда халқчиллигини таъминлашга янада жиддий эътибор қаратади деган ўйдамыз.

Қолаверса, одамларни рози қилиш, уларнинг манфаатини ҳамиша қўллаб-қувватлаш Президентимизнинг доимий сиёсати, талабидир.

Мухаммадсодиқ ТўРАЕВ,  
журналист.

## ЧИҒАНОҚДАГИ УМР

Ҳар инсон — бир тилсим. Аёл — икки қарра. Бугунги руҳий ҳолати барқарор, хотиржам, ўзининг қаҳрамонига айланган, қийинчиликлардан кўрқмайдиган, аввал ўзини, сўнг бошқаларни кечира олган, дўстликда садоқатни улғулайдиган, ивристиқ бўлиб қолишдан уяладиган беназир аёл ҳикояси шугина эмас.

4-6.

## ИЛМ ДАРЁСИНИНГ МИРОБЛАРИ

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Умида ТЕШАБОВЕВА билан суҳбат



“...Асрлар мобайнида инсоният фикратининг “ақл машъали” бўлиб хизмат қилиб келаётган, дунё мамлакатларининг юраги каби ўзида ноёб китоблар, ахборот ва билимлар захирасини асраб ва сақлаб қелишга хизмат қилаётган кутубхоналар инсонни оҳанрабо каби ўзига абадий чорловчи табарруқ зиё масканидир...”

3-6.

✓ **ҚУТЛОВ**

# ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИ



барча ватандошларимизни, шу жумладан,  
мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари  
ходимларини, устоз журналистларни баҳор ва  
табиат уйғонишининг тимсоли,  
шарқона янги йил —

## Наврўзи олам

билан табриклайди.

Ушбу қутлуғ айём миллий қадриятларимизнинг,  
ўзлгимизнинг гўзал тимсоли сифатида ҳамиша  
қадрланиб келинади. Қарийб тўрт минг йилдан  
кўпроқ вақт давомида Марказий Осиё, Эрон,  
Афғонистон, Кавказорти ва шу улкан ҳудудлардаги  
бошқа халқларнинг ҳам баҳорни қарши олиш  
шодиёнаси сифатида нишонланиб келинган.

Наврўз шодиёналаридан сўнг миришкор  
бободехқонлару боғбонлар яхши ниятлар билан  
ерга уруғ сепади, ниҳол қадайдилар. Энг эзгу  
ниятлар қиладилар. Шуни қувонч ва шодлик  
билан айтиш мумкинки, Яратганнинг инояти  
ила Наврўз айёми бу йил ҳам юртимизда  
ўтган йилдагидек шафоатли Рамазон ойида  
нишонланмоқда.

Илоҳим, элимизга ҳамиша қут-барака, бахт-саодат,  
тинчлик-тотувлик ёр бўлсин! Шундай фараҳли  
кунларда жамики ижод аҳлига эса жўшқин илҳом,  
изланиш завқини тилаймиз!

✓ **ТАРАҚҚИЁТ ВА ТАФАККУР**

Шиддатли рақамлашув таъсирида ҳаётимиз тобора ўзгариб бормоқда. Рақамли технологиялар аллақачон кундалик турмуш тарзимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган. Телефон, ноутбук, планшет, ақлли соат, ақлли узук, ақлли кўзойнак дейсизми, улар каби техногаджетларнинг санаб адоғига етиш қийин. Мана, энди улар қаторига сунъий интеллектнинг турли дастурлари, чат-ботлари ҳам қўшилиб, кўпчиликни ўзига оҳанрабодек чорламоқда.


Шубҳасиз, нейротармоқларга асосланган сунъий интеллектнинг имкониятлари чексиз. У ҳар қандай вазиятда инсонга қимматли маслаҳатлар бера олади, зарур билимларни улаштириш имконига эга. Шунингдек, ўқувчиларнинг руҳшуносингиз, устозингиз сифатида сизга кўмак беради. Унинг, айниқса, таълим бобидаги имкониятлари ниҳоятда чексиз бўлиб, бу соҳада инқилобий ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин.

Сунъий интеллектни беминнат хусусий репетиторга ҳам қийслаш ўринлидир. Исталган вақтда у билан биргаликда соатлаб шугулланиб, билимларни бойитса бўлади. Уни таълимда қўллаш орқали шахсийлаштирилган, ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашадиган таълим дастурларига эга бўлиш ҳам муаммо эмас. Негаки, сунъий интеллект ўқувчиларнинг ўзига хос эҳтиёж ва имкониятларини инобатга олган ҳолда, улар учун шахсий ўқув дастурларини яратиш имконига эга. Шунингдек, ўқувчиларнинг билимини баҳолашни автоматлаштириш (бу эса ўқитувчининг вақтини сезиларли тежайди), ўзлаштиришни башорат қилишда ҳам унинг беминнат ёрдамида фойдаланса бўлади. Сунъий интеллект асосида ишловчи илова ва дастурлар орқали исталган тилни хоҳлаган вақтингизда ўргана оласиз.

Сунъий интеллект "таржимаи ҳоли"га бағишлаб ёзган китобда ўзининг таълим соҳасидаги ролига анча юқори баҳо беради: "Мен мактабда ўқитувчига таълимни ташкил қилишда яқиндан ёрдам бераман. Биз биргаликда ҳар бир ўқувчидан қизиқишлари, қобилияти ва ўзлаштириш даражасини инобатга олган ҳолда индивидуал режалар тузимиз. Мен ўқитувчининг фойдали материаллар билан ҳам таъминлайман, ўқувчиларни янги ютуқларга илҳомлантирадиган интерактив топшириқ ва машқларни ишлаб чиқаман".

Бугунги кунда таълимда сунъий идрок (СИ) воситаларидан фойдаланиш кўрсаткичлари ортиб бормоқда. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, юқори даромадли мамлакатларда ўрта мактаб ўқувчиларининг учдан икки қисмида кўпроги уйга вазифаларни бажариш учун генератив СИ воситаларидан фойдаланмоқда.

Сунъий идрокнинг таълим соҳасида яратадиган имкониятлари ҳақида узоқ гапириш мумкин. Шуниси аниқки, ундан тўғри фойдаланиш



ҳар қандай устоз ва талаба учун чексиз имкониятлар эшигини очади. Аммо айти пайтда таълимда ундан, асосан, "ишни битириш учун" фойдаланиш ҳолатлари кузатишмоқда. Талабалар ҳамиша уddaбуронлиги ва ишнинг кўзини билиши билан ажралиб туради. Назорат ишлари-ю имтиҳонлардан "эсон-омон ўтиш" йўллари топишда уларга етadигани йўқ. Замонавий технологиялар, телефон, интернет каби топиламалар сўнгги йилларда уларнинг ишини анча "енгилаштиригани" ҳеч кимга сир эмас. Сунъий интеллект эса бу борада улар учун том маънода инқилобий янгилик бўлди, десак адашмаймиз. Чунки у ҳар қандай саволга бир неча сонияда жавоб топиб, иншо ва курс ишларини ҳам беминнат ёзиб берапти.

Муаммо шундаки, бугун аксарият толиби илмлар сунъий интеллектдан "фалон мавзудаги илмий адабиётларни топиб бер, мен уларни ўқиб-ўрганмоқчиман" деб сўрамайди, балки "фалон мавзуда иншо, таҳлил, курс иши ёзиб бер" деб талаб қилишга одатланган. Исталган профессор-ўқитувчидан: "Бугун талабалар сунъий интеллектдан қандай фойдаланаяпти?" деб сўрасангиз, асосан, салбий мазмундаги жавобни эшитасиз. Аксарият педагоглар охириги пайтларда назорат, курс ва диплом ишлари мавҳум, жонсиз матнлар ҳисобига ғайритабиий равишда семирганини таъкидлашмоқда. Зотан, сунъий интеллект воситасида ёзилган академик матн нўсонларини пайкаш қийин эмас. Технологиянинг бундай суистеъмол қилиниши натижасида таълимда жиддий аҳамиятга эга бўлган академик матннинг қадри тушиб кетмоқда.

Бинобарин, матн — энг муҳим ахборот манбаидир. Айнан матн илм-фан ривожининг асосий омили ҳисобланиб, кишига ўқиб-ўрганиш, билимларни эгаллаш имконини яратади. Технологик воситалар билим олишининг анъанавий йўллари қанчалик ўзгартирмасин, матн — ҳар қандай илмнинг асоси бўлиб қолаверад.

Ҳозирги пайтда биринчи галда каттароқ ҳажмли матнларга жиддий таҳдид пайдо бўлган. Таълим жараёнида бунинг таъсири яққол сезилмоқда. Ялқов талаба ва ўқувчилар ўзларига берилган дарс вазифаларини шунчаки сунъий интеллект чат-ботларининг зиммасига юклаб қўймоқда. Афсуски, улар мавзунинг консепт қилиш, илмий адабиётларни ўқиш, қимматли билимларни эгаллаш ва дунёқарашини шакллантиришни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Замонавий ўқувчи бугун исталган пайтда, исталган мавзуда сунъий интеллектга вазифа бериб, бир зумда унинг натижасини қабул қилиб олмақда. Албатта, бунинг яхши томонлари ҳам бор, лекин оқибатда ёшлар ўзларининг энг асосий вазифаси — ўқиш, мустакил изланиб, билим олишдан йироқлашиб бормоқда. Уйга вазифага "ChatGPT" боти зиммасига юклаб, ўзи ёқтирган машғулот билан шугулланиш ёки интернетда вақт ўтказиш кимга ҳам ёқмайди дейсиз!

Қизиги, бундан атиги беш-ўн йил илгари "Google" дастурининг ёрдами билан диплом олишни апланган uddaбурон талабалар ўрнини эндиликда "ChatGPT" эркатойи бўлган технократ талабалар эгаллади. Таълимда ўта муҳим бўлган академик матнлар аллақачон сунъий интеллектнинг ўлкасига айланди. Профессор-ўқитувчиларнинг электрон почтасига юбориладиган аксарият назорат вазифаларидан тортиб, курс ва битирув-малакавий ишларигача сунъий интеллект ёрдамида тайёрланмоқда. Зийрак ўқувчи бундай матнлар билан танишганида сунъий интеллектнинг "дастхат"ини дарҳол пайқайди. Ҳиссиз, бир хил қолипчи гаплар, мантқиқий чалкашлиқлар билан тўла гап қурилмалари, лотин ва кирилл алифбосидаги ҳарфлар аралашиб кетган олақуроқ матнлар "мен сунъий онг маҳсулиман" деб баралла айтиб туради.

Таълимда сунъий интеллект алдаш хавфини оширади. Uddaбурон ўқувчи ва талабалар доим илгор воситалардан фойдаланиш

орқали академик ҳалоллик чораларини четлаб ўтишга интилади. Масалан, сунъий интеллектга асосланган плагиатни аниқлаш назорат тизимини одамнинг ёзиш услубига тақлид қиладиган илгorroқ дастурлар ёрдамида айланиб ўтиш мумкин. Таълим муассасалари бунинг олдини олиш учун ўзларининг дастур ва воситаларини доимий равишда янгилаб боришига тўғри келади.

Ўқув жараёнида сунъий интеллектга ҳаддан ташқари кўп мурожаат қилиш ўқувчининг когнитив хусусиятлари ва танқидий фикрлаш қобилиятининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Инсоннинг ўзлигини белгилайдиган фикрлаш қўнимасининг нейротармоққа топширилиши охири-оқибат қимматга тушиши аниқ. Олимларнинг аниқлашича, сунъий идрок технологияси одамларнинг фикр юритишига салбий таъсир кўрсатиш билан бирга, бирон ишнинг қай даражада тўғри бажарилганини баҳолашига ҳам ҳалақит беради.

Сунъий идрок воситалари индивидуал ўрганиш ва маълумотларни самарали топишга имкон берса-да, унинг таълим соҳасидаги камчиликларини ҳам назардан қочирмаслик зарур. Ундан тўғри фойдаланилганда у ёшларнинг билим олишини осонлаштиради. Илм олиш игна билан қудуқ қазишдек ҳар доим машаққатли бўлган. Билим олиш ўрнига барча вазифани тўлиқ "автомат" зиммасига юклаб қўйиш эса инсофдан эмас. Бунинг олдини олиш учун таълим жараёнида сунъий интеллектни ёшларнинг танқидий фикрлаши ва когнитив хусусиятларини ривожлантиришга мўлжалланган машғулотлар билан мувозанатлаштирган ҳолда қўллаш керак. Бунда танқидий фикрлаш машқларини ўз ичига олган ва ўқувчиларни сунъий интеллект воситаларига пассив таянишдан кўра, дарсларни чуқур ўрганишга ундайдиган шароитларни яратиш талаб этилади.

Юқорида айтганимиздек, сунъий идрок турли соҳаларда, айниқса, таълим тизимида улкан имкониятлар эшигини очмоқда. Бироқ

сўнгги вақтларда сунъий онг талабалар ўртасида мақсадга етишнинг, имтиҳонлардан манипуляция орқали ўтишнинг қўлай воситасига айланиб қолаётгани анчинарлидир. Оқибатда академик ҳалоллик, ўз устиди ишлаш, ўқиш-изланиш каби сифатлар жиддий хавф остида қолмоқда. Ахвол шу тарзда давом этадиган бўлса, яқин келажақда университетларда академик матнларнинг қадри буткул йўқолиб кетиши мумкин. Таълимда ижобий маънода инқилоб қилиши қўтилган сунъий интеллект охири-оқибатда унинг инкирозига олиб келиши мумкинлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Воқеалар ривожини бундай хатарли тус олмаслиги учун ҳар бир олий ўқув юрти ва таълим муассасаси ўзларининг нейротармоққа қарши турувчи назорат дастури ҳамда тизимли чораларни ишлаб чиқиши керак бўлади. Шунда ҳам вазият ўнганмасе, матни назорат ишларини озгачи имтиҳонлар билан алмаштиришдек кескин чораларни ҳам қўллаши мумкин. Нима бўлганда ҳам таълим сифатини сақлаш учун ортиқча вақт ва сарф-харажатларга сабаб бўладиган чораларга ҳам қўл урилишини истисно қилиб бўлмайди.

Бир сўз билан айтганда, фақатгина ҳаққоний билимлар жамият ривожига ҳисса қўшади. Сунъий интеллект ёрдамида ўзини оқилу доно қилиб кўрсатиш билан мақсадга эришиб бўлмайди. Чат-ботлар орқали диплом олган талабадан ҳам келажақда тайинли натижа қуттиш бефойда. Шундай экан, ёшлар сунъий интеллектдан фойдаланиб илмни суистеъмол қилиш ўрнига, вақт борида ўзининг устиди қўл билан ишлаши зарур. Эрта-бир кун меҳнат бозорида иш бевуридан "Сиз "ChatGPT" сиз бир варақ ҳам қоралай олмас экансиз", деган таънани эшитганида эса кеч бўлади.

Авазбек ШЕРМАТОВ,  
Республика Маънавият ва маърифат маркази  
хузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар  
институтини илмий ходими.

МАЪНАВИЯТ

# ИЛМ ДАРЁСИНИНГ МИРОБЛАРИ

## Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Умида ТЕШАБОЕВА билан суҳбат

*Кўнгилларнинг сурури илмдандир, Кўрар кўзларнинг нури илмдандир, — деганди улугларимиз. Демак, бугунги суҳбатимиз яна илм хазинасининг махзани бўлган зиё масканлари, жумладан, ўзининг 155 йиллик тарихи мобайнида ноёб адабий-илмий дурдоналар захирасини кўз қорачигидек асраётган, замонавий ахборот оламида ҳам етакчилик қилиб, ўз ўрнига эга бўлган мамлакатимиздаги энг йирик маърифат маскани — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳақидадир. Суҳбатдошимиз ушбу даргоҳ раҳбари У.Тешабоева.*

— Умидахон, аввалги суҳбатимиздан фарқли ўлароқ, кейинги йилларда ушбу тизимда қандай янгиликлар амалга оширилди?

— Мамлакатимиз раҳбарининг китоб, китобхонлик маданиятини яхшилаш тўғрисидаги мамлакат миқёсида олиб бораётган сиёсатининг ўқ томири кутубхоналар билан туташади. Зеро, болалигидан китоб мутолаасига меҳр қўйиб дунёни таниган қалб улғайгач, она Ватанининг, элининг суянч тоғи бўлади. Фикратининг шуъласи юлдузларни “тилга” киргизади. Миллат осмонидagi хуршиди анвар бўлиб, нур сочади. Ихтиролари, истеъдоди билан бани башариятни хайратга солади. Келажак уфқларига ташланган олтин кўпригининг меъморига айланади. Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори миллий кутубхоналар фаолияти ривожига катта бурилиш ясади: мамлакат миқёсида юридик мақомга эга, мустақил давлат муассасаси бўлган 186 та туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказлари ташкил этилди.

Кутубхоначилик соҳаси жамиятнинг маънавий ва маданий тарақиётида муҳим ўрин тутади. Айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида кутубхоналар билим ва ахборот тарқатишда марказий роль ўйнайди. Улар турли ёзув манбалари, китоблар, журналлар, электрон ресурслар ва маълумот базалари орқали жамият аъзоларига билим еткази, тарихий ҳужжатлар, қўлёзмалар ва миллий маданий меросни сақлаш орқали келажак авлод учун муҳим манбаларни ҳимоя қилади. Замонавий кутубхоналар электрон каталоглар, рақамли архивлар ва интернет орқали масофавий ахборот хизмати кўрсатиш имкониятига эга, қолаверса, кутубхоначилик инсонларнинг тафаккурини бойитиб, ижтимоий ривожланишга қўмаклашади. Бепул ва кенг қамровли ахборотга эга бўлиш имконияти ҳамма учун тенг таълим олиш шaroитини яратди. Охириги ўн йилликда эса кутубхоналар фақатгина китоб ўқиш жойи эмас, балки маданий тадбирлар, муаллифлар билан учрашувлар, китобхонлик клублари ва бошқа маърифий фаолиятлар маркази сифатида ҳам фаолиятни кенгайтирди. Шунингдек, кутубхоналар интернет (расмий веб-сайт, ижтимоий тармоқлар) орқали ҳам ўз хизматларини фаол амалга оширмоқда.

“Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасида Миллий кутубхона кутубхонашунослик, библиографияшунослик ва китобшунослик соҳасида илмий-тадқиқот ҳамда илмий-услубий фаолиятни амалга ошириши ва мувофиқлаштириш белгилаб қўйилган. Кутубхона мутахассислари томонидан республикамиздаги турли вазирилик ва идоралар тасарруфидagi кутубхоналар фаолияти ахборот-кутубхона соҳасининг турли йўналишлари бўйича ўрганиш, маляка ошириш, мониторинг қилиш кабиларни доимий олиб боради.

— Соҳада меҳнат қилишнинг ўзига яраша масъулияти бор, шундай эмасми?

— Албатта. Миллий кутубхона тизимидagi кутубхоначилар билан қўп учрашаман, суҳбатла-

шаман. Бироқ мактаб кутубхоначилари билан учрашувлар ўтгазмагандик. Икки ойда юртимизнинг 9 та вилояти ҳамда Қорақалпоғистонда мактаб кутубхоначилари билан мулоқот қилдим. Биз бу амалиётни узлуксиз давом эттириш ниятидамиз. Чунки республикамизда энг катта кутубхоначилар армияси айнан мактаб кутубхоначилари ҳисобланади. Кутубхоналар фаолияти, кутубхоначининг нуфузи, ўқувчи-китобхонни китоб ва мутолаага меҳр қўйиш, билимли, комил инсон тарбиясидаги ўрни, рақамли дунёда, сунъий идрокнинг ҳаётимизга кириб келиши... Тасаввур қилинг, гўдак тасаввурга буларни жойлаш, сиғдириш учун кутубхоначининг ўзи қандай бўлиши керак, тафаккурининг сими-чи? Яширмаймман, мактаб кутубхоначилари ҳали янгиқларимизни қоқиб турган “меҳмонлар”ни (мамлакат тарақиётидаги янгиликлар, ўзгаришлар) қабул қилиб, уларни меҳмон эмас, балки тарақиёт жараёнларининг фаол аъзолари эканликларини тани олишга тайёргарликлар етарли эмас. Ўқиш, билим, таълим — кутубхоначининг келажакдаги ўрнини белгилайди.

Мактаб кутубхоналарида дарсликлар захиридан ташқари нашрлар (бадий, илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий, маълумотнома нашрлар ва бошқалар) ҳам бўлиши керак, шарт. Тўғри, ҳозирда кутубхоналар захираларини тўлдириш анча фаоллашди, бироқ бу кутубхоначилик стандартлари, меъёрлари талаби даражасида эмас. Бугун мактаблар техник ва технологик томондан таъминланган, интернет тармоқидан фойдаланиш имконияти яратилган ва бу масофадан хизмат кўрсатиш, ўқувчи-китобхон сўровини бажариши мумкин.

Кутубхоначиларга Миллий кутубхонанинг маълумотлар базалари ҳақида ва ундan фойдаланиш, соҳадаги янгиликлар, мактаб кутубхонасининг ўрни, кутубхоначининг билими ва китобхонни вояга етказиш, уйғотиш, тарбиялаш, китобхонлиқни янада тарғиб қилишда янгила ёндашувлар, қарашлар орқали фаолиятини олиб бориш ҳақида мулоқот қилдик. Яширмаймман, кутубхоначилар (ҳаммаси ҳам эмас) ҳам ҳаракатда.

Шунингдек, Самарқанддаги учрашувда мактаб кутубхоначиси фаолиятидаги юкломалари, муаммолари, зиддиятли вазиятлар, тақлифларини тинглаб, шундай хулосага келдим: кутубхоначиларни эшитиш керак, барча даражадаги раҳбарлар кутубхонанинг эҳтиёжи билан доимий танишиб, хабардор бўлиши зарур. Ўз навбатида кутубхоначи ҳам талабини асосли, ўзи тушуниб, таҳлиллар билан сўраса, албатта, натижалар бўлади. Биз барчамиз бир мақсад сари йўлдамиз, ҳаракатларимиз натижаси эса ҳар биримизнинг билим даражамиз билан ўлчанади.

Дунёда кутубхоначи касби замонавий ахборот технологиялари ва жамият эҳтиёжлари таъсирида фаол трансформация жараёнларини бошдан кечирмоқда. Рақамлаштириш ва ахборот технологияларини жорий этиш, кутубхона хизматларининг онлайн платформаларга ўтиши, кутубхоначи фақат китоб тақдим қилувчи шахс эмас, балки ахборотни саралаш, танлаш ва таҳлил қилишда маслаҳатчига айлангани, ахборот саводхонлиги (“media literacy”) ва киберхавфсизлик бўйича ўқув курсларини ташкил этиш ҳам кутубхоначиларнинг янги йўналишга айланаётганида қўриш мумкин.

Аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш, китобхонлиқни тарғиб қилиш, мутолаанинг ҳар бир хонадонга кириб боришида ушбу кутубхоналарнинг ўрни беқиёс. 2025 йилдаги илк хизмат сафарларимдан бири Нукус тумани ахборот-кутубхона марказига бўлди. 2020 йили кутубхона коллеж биносида фаолият кўрсатарди. Ўша пайтда бинони абгор аҳолдан қўриб, “кутубхона бекорга ташкил қилинган экан, наҳот XXI аср кутубхонаси шу кўринишга эга бўлса”, — деган изтиробли фикр билан чиқиб кетган эдим. Кеча кутубхона билан қайта танишиб, китобхонлар учун

яратилган шароитларни қўриб, янги нашрлар ва газета-журналлар китобхонлар томонидан мутотлаа қилинаётгани, иссиқ ва ёруғ ўқув залидаги гавжум китобхонлар кеч бўлишига, кўчада ёмғир, совуқ бўлишига қарамай, кетишга ошиқмай турганликларини қўриб шунга амин бўлдимки, КУТУБХОНАЛАР энди “қўқрагини тўлдириб нафас олмақда”.

Очиқ бюджет имкониятларидан фойдаланиш, айниқса, Қорақалпоғистонда жуда яхши амалга оширилмоқда. Нукус тумани кутубхонаси ҳам 1 миллиард 400 миллион маблағни қўлга киритиб, у кутубхона фаолиятини яхшилаш учун йўналтирилди. Ўз касбининг фидойи кутубхоначилари эса кўзимни қувонтирди.

Миллий кутубхона тизимидаги икки юзта ахборот-кутубхона марказларининг ўтган йилги фаолияти сарҳисоб қилинганда, кутубхоналарда китоб хариди учун маблағлар ажратилиши ошган. Қўқдала, Қоровулбозор, Марҳамат туман ахборот-кутубхона марказлари учун бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Фарғона вилоят ахборот-кутубхона маркази тўлиқ қайта таъмирланди. Навоий вилоят ахборот-кутубхона маркази учун янги бино қурилиши бошланди. Миллий кутубхонага йил давомида 35 мингдан зиёд китобхон аъзо бўлди. Жорий йилнинг январь ойидан Президент қарори билан ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари ойлик маошлари оширилди. Кутубхона мутахассислари Дубай, Қозғистон, Россия, Беларусь, Арманистон, Туркия, Озарбайжон, АКШ, Франция давлатларида хизмат сафарларида бўлиб, конференция, семинар, ўқув-курслари, кўргазма, конгресс иштирокчилари сифатида қатнашдилар.

— Янглишмасам, ўтган йили сиз республикамизнинг деярли ҳамма вилоятларида хизмат сафарига бўлдингиз. Вилоятларда аҳоли ўртасида китобхонлиқ даражаси ошганлиги қандай ҳолатларда кўпроқ кўзга ташланмоқда?

— Сурхондарё вилоятига бўлган хизмат сафаримиз Жарқўрган тумани ахборот-кутубхона маркази орқали ўтди. Марказ биноси эътиборталаб бўлишига қарамай, китобхонлари қўллагини қўриб, хайратга тушдик, қувондик. Ваҳоланки, соат кечки беш бўлишига қарамай, болажонлар китоб ўқиб ўтиришарди! Ўқишяпти, кўргазмали чиқиш эмас! “Хона иссиқ, бироқ ёруғлик талаб даражасида эмас, шу босис ёлғ улуг китобхонларимиз кунлар узайса қайтамиз, деб китобларни уйга олиб кетиб ўқишяпти”, — деди кутубхона раҳбари. Кутубхонага жон берадиган, ҳаёт ато этадиган ўзи — китобхон ва кутубхоначининг меҳнатидир.

Қашқадарёнинг Касби туманида бўлганимда эса ёш, шижоати, билими, дунёқараши ва ватанпарварлиги билан ўн та йигитга татиғулик Темирбек Поёнов билан танишдим. Темирбек бутун умрини илмга, зиё тарқатишга бахшида қилган, ўзбек халқининг фахри ҳисобланган адабиётшунос олим Поён Равшановнинг наби-ралайи экан. Уч соат давом этган суҳбатимиз мобайнида мен Темирбек тимсолида Янги Ўзбекистон нафасларида, эпкинларида гуркираб турган келажак авлод қалбининг ёлқинларини кўрдим. Бобоси Поён Равшанов ташкил қилган уй кутубхонаси ҳақида юраги тўлиб, жўшиб гапирганида, кўхна тарихнинг кўтлуг нафасларини сездим. Ўртдошимиз Шербек Ёрбобоевнинг эса икки йил аввал ўз кутубхонасини шакллантира бошлаганини, бобоси китоб мутотлаасига ошно қилганларини, ҳар ойлик маошидан 200-300 минг ажратиб китоб харид қилишини, китоблари учун махсус муҳр ҳам тайёрлатганини, уларни асраб-авайлашини, баҳоли қудрат зиё улашишдек умуммиллий савоб ишга ҳиссаси қўшилаётганидан хурсандлигини айтганида, оққан дарё яна оқаверишини, улуг аждодларимиз илми яна ўзимизга қайтаётганидан

қалбим фахрга тўлди. Мактаб ўқувчиларининг китобни ўқишга бўлган эҳтиёжи уларнинг бурро-бурро жавобларида, китобни танлаб ўқишда, хорижий тилларни ўрганиб, дунё адабиётини аспиятда ўқишларида намоён бўлмоқда.

— “Юрган — дарё”, деганларидек, сиз яқинда хориж сафаридан қайтдингиз. Таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз...

— Бажонидил. Мен Дубайнинг энг машҳур ва “визит картаси” ҳисобланган Бурж Халифа осмонўпар биноси, дунёдаги энг баланд ва шу билан бирга муҳандислик санъати қаршисида туриб, “Келажак музейи”да бўлиб, КУТУБХОНАЧИ деган касбим борлигидан миннатдор бўлдим. Сунъий идрок бўлса бўлаверсин, яшайверсин, чунки уни ҳам Инсон яратган! Бурж Халифанинг баландлиги 823 метр бўлиб, 2010 йили очилган. Бутун дунёдан сайёҳлар ушбу архитектура мўъжизасини қўриш учун келади. Бинода иккита қўриш учун майдон бўлиб, 148-қаватда ва 555 метр баландликда жойлашган. Юрак ютиб, қўриш майдончасига чиқаман деб бордим-у, кўз олдимдан онам, болаларим, Гулгунам, кутубхонам ўта бошлади ва кейинги сафарга қолдирдим, қушлар парвозига ҳалақит бергим келмади! “Келажак музейи” ҳақида айтиш мумкинки, дунёдаги энг замонавий ва машҳур ушбу жой сизни инсоният тарақиётининг улкан истиқболлари билан таништириш учун яратилган. Музей дунёни яхши томонга ўзгарира оладиган энг янги технологиялар ва ихтироларни, инсониятнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган замонавий тадқиқотлар ва инновацияларни дунёга тақдим этиш мақсадида ташкил этилган. Бир неча даражаларда жойлашган, бир неча мавзули майдонларга бўлинган музей сизга 2072 йилга саёхат қилиш имконини беради.

Барчани ўзига жалб қиладигани эса — музей биноси! Шиша бинонинг бутун юзаси араб хат-тоғлиги ёрдамида ўймакорлик билан безатилган. Унда Дубай ҳукмдори Мухаммад бин Рашид Ал-Мактум шеърларидан парчалар келтирилган бўлиб, шулардан берида: “Биз юз йиллаб яшамаслигимиз мумкин, бироқ ижодимиз маҳсуллари биздан кейин ҳам узок вақт давомида мерос бўлиши аниқ”, — деб иқтибос келтирилган.

Мухаммад бин Рашид кутубхонаси эса мамлакатнинг бебаҳо маданий бойлиғидир.

Лавҳ устиди очик китоб кўринишидаги ушбу бино хайратомуз қурилган. Кутубхона 2022 йил ишга тушган, 6 йил қурилиш ишлари давом этган, 1 миллиард дирҳам (тахминан 273 млн доллар) маблағ сарфланган, 1,1 миллиондан зиёд босма ва рақамли араб ҳамда хорижий нашрлар билан китобхона хизмат қилади. Шунингдек, 35 мингта газета, 73 минг мусиқа партитуралари, 75 минг видеоқонтент, 5 минг тарихий босма ва рақамли журналлар, 6 миллион диссертациялар репринти фондини ташкил қилади. Биринчи қаватда жойлашган Болалар бўлими мени хайратга солган биринчи бекат бўлди. Бўлимда бошқа кутубхоналар каби болажонлар учун мўлжалланган махсус мебеллар, болалар нашрлари, журналлар, аудионашрлар, ақлни ривожлантириш учун турли ўйинлар, компьютерлар билан таъминланган.

Яна бири эса кичкина робот болакай, яъни инсон кўринишидаги роботнинг китобхонларга хизмат кўрсатиши. Робот сунъий идрок ёрдамида болалар билан мулоқот қила олади. Аутизм касаллиги билан бемор бўлган шахслар, ҳаракатда нуқсонли бор, қўзи ожиз инсонлар учун ҳам махсус майдонлар (зона) ажратилган. Китобхонлар якка ва гуруҳли тартибда ишлашлари учун 10 га яқин аудиториялар мавжуд. Техника воситалари билан тўлиқ таъминланган. Умуман олганда, ҳар бир бўлим араб миллатининг машҳур инсонлари иқтибослари билан бошланади. Музейда замонавий технологиялардан ҳам кенг фойдаланилган, сунъий идрок, интерфаол па-



неллар, киосклар. Бироқ экспонатларнинг 90 фоизи китоб, журнал, газета, фото ва архив ҳужжатларининг факсимил ва асл нусхаларидан ташкил топган бўлиб, 1884 йилдан ҳозирги кунга қадар илм-маърифат билан йўғрилган бой тарих саҳифаларига матбуот нашрлари орқали саёхат қилиш имконини беради.

— 2024 йил 3 апрель куни Янги Тошкент шаҳридаги илк қурилиш режалаштирилган иншоотлар тақдимида бағишланган тадбирда Президентимиз Миллий кутубхона янги биносини қурилиши, бу каби лойиҳалар қурилиши илм ва таълим масканларидан бошланаётгани бежиза эмаслигини, булар маърифатли жамият барпо этишда гоёмизнинг асоси ва намунаси бўлади, деб таъкидлаган эди...

— Янги Тошкент шаҳри қурилишида биринчилар қаторида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси биносининг қурилиши мамлакат миқёсидаги улкан воқеадир. Кутубхона лойиҳага кўра тўрт қаватдан иборат бўлиб, миллий дизайнга эга бўлади. Жами 30 минг квадрат метр майдонга эга ушбу муҳташам бинода бир пайтнинг ўзига 1,5 мингдан зиёд китобхонни қабул қилиш сийғимга эга бўлиб, уларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, шунингдек, замонавий кутубхоначилик соҳасида қўлланилаётган энг янги технологик парк, трансформацион ўқув заллари, коворкинг марказлари, 300 ўринли кафетерийларда хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Янги бинода кутубхона фондида адабиётларни муносиб сақлаш, хатловдан ўтказиш, хавфсизлигини таъминлаш, стерилизация қилиш, реставрация ва консервация жараёнларини амалга оширишга мўлжалланган махсус асбоб-ускуналар ўрнатилади.

Давлатимиз раҳбари ўтган йил охирида Янги Тошкент шаҳри лойиҳаси қурилишини қўздан кечириш давомида Миллий кутубхона учун қурилатган янги бинони бориб қўрдилар. “Мен аввал айтганимдек, бизнинг икки ўқ томиримиз, икки таянч устунимиз бор: бири иқтисодиёт бўлса, бири маънавиятдир. Маънавий буюк халқ — иқтисодий томондан ҳам буюк бўлади. Шунинг учун янги шахримиз қурилишини маърифат масканларидан бошлаймиз. Булар юз йилга татиғулик маънавият, маърифат, илм ўчоғи бўлиши керак”, — деди Ўртбошимиз Шавкат Мирзиёев. Бундай эътироф, меҳрдан хурсанд бўлмай бўладими?

2025 йил 11-12 февраль кунлари бино қурилиши лойиҳаси бўйича туркиялик ҳамкорлар билан учрашдик. Қурилиш майдонига ташриф буюрган ҳамкорларимиз томонидан қурилиш жараёнлари жадал кетаётгани эътироф этилди. Шу билан бирга, кутубхона фаолиятини тўлиқ автоматлаштириш, “ақли кутубхона” концепцияси устиди фикрлашиб олдик.

Асрлар мобайнида инсоният фикратининг “ақл машъали” бўлиб хизмат қилаётган, дунё мамлакатларининг юраги каби ўзида ноёб китоблар, ахборот ва билимлар захирасини асраб ва сақлаб келишга хизмат қиладиган кутубхоналар инсонни оҳанрабо каби ўзига абадий чорловчи табаарук зиё масканидир. Бани башариет унга ўзида ҳаммаша муҳтожлик сезади ва ундan айро тушмайди. Янги Ўзбекистонимизда қурилатган янги Миллий кутубхона биноси эса ташкил бўлгани 155 йил тўлаётган Миллий кутубхона тарихи саҳифаларидаги янги зарварақдир.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!

Суҳбатдош: Шарифа САЛИМОВА.



# ҚУТЛУҒ ПОЙҚАДАМ

## Ёруғ муждалар

1-6

Янги Ўзбекистонимиз учун баҳорнинг пойқадами қутлуг келди. Бунга ҳаммамиз гувоҳимиз. Бундун дунё ахли ҳам қўриб-билиб турибди.

11 – 13 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг давлат ташрифи билан Франция Республикасида бўлиши Евроосий материгининггина эмас, бутун жаҳоннинг энг муҳим сиёсий воқеаларидан бири бўлди, десак, хато бўлмас керак. Чунки Ўзбекистон ва Франция дипломатик муносабатларининг стратегик шериклик даражасига кўтарилгани, Ғарбий Европа билан Марказий Осиё ўртасида ўзига хос бир дўстлик қўприғи барпо этилгани ҳозирги мурраккаб замонда жаҳон сиёсий саҳнасидаги муҳим қадам янглиғ баҳоланди.

Франция — бугун Европанинг энг ривожланган, дунёдаги кучли еттилик ва катта йигирматалikka кирган давлатлардан бири. У билан Марка-

зий Осиёнинг Ўзбекистондек дадил тарақиёт босқичига кирган давлати ўртасидаги икки тарафлама бирдай манфаатли ҳамкорлик келажакда кўп-кўп соҳаларда катта маҳсуллар бериши кутуляпти.

Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франциянинг олий мукофоти — “Фахрий легион” ордени билан тақдирлангани бутун мамлакатимиз халқига байрамона кайфият бахш этди.

Бу, аввало, Президентимиз олиб бораётган оқилона сиёсатни, икки давлат ўртасидаги муносабатларни юксак даражага кўтаришга қўшган улкан ҳиссасини муносиб баҳолаш, қолаверса, бутун Ўзбекистонимиз ва унинг халқига алоҳида ҳурмат-эҳтиром рамзи ҳисобланади.

## Моҳият

Ҳар қандай байрам замирида мақсад-муддао, бошқача айтганда, муайян мафкура ётади.

Шу маънода Наврўз — табиат байрами. У инсоннинг она заминга меҳр-мухаббатни, ҳаётга завқи,

қалбан шукронасини тантана қилиш ҳисобланади.

Бобо Шарқимизда йил ҳам, баҳор ҳам Наврўздан бошланган. Амалда Наврўздан далада деҳқончилик ишлари авж олади. Қўёш қиздиради. Ер етилади. Дарахтлар гуллайди. Деҳқон ерга уруғ қадайдди. Бог-бон қўчат экади. Ризқ-рўз етиштириш ишлари авж олади.

Бу йил баҳор шиддат билан кириб келди. Ҳашпаш дегунча дарахтлар гулдан салла ўради. Олам яшиллик либосига бурканди. Қиши билан димқиқиб кетган кўнгиллар чандон ййради.

Буларнинг бари инсонга завқ-шавқ, иштиёқ, илҳом бағишлайди, куч-қувват беради.

Наврўз бундан тўрт минг йил бурун ҳам аждодларимизни худди шундай қувонтирган, уларни яшаш, яшариш ва яратишга ундаган.

Шарқона Янги йилимиз қутлуг келсин!

Султонмурод ОЛИМ,  
филология фанлари доктори,  
Тошкент амалий фанлар  
университети профессори.

**ЭССЕ**

**Алла айтмай, жоним болам,  
Қулоқ солгин, алла.**

**Ширин аллам тинглаб, аста  
Ухлаб қолгин, алла.**

**Юзларингга томган сувга  
Ҳайрон бўлма, алла-ё.**

**Бахтимга сен катта бўлгин,  
Хазон бўлма, алла.**

Душанбедан Фарғонанинг Бувайдасига келин бўлиб тушган Зайнаб ая бор дарди, мусофириликдаги ёлғизлиги, умиди-ю оғригини аллагга тўқади. Шунданми, оилада саккизи фарзанднинг олтинчиси бўлиб дунёга келган Назира Тошпўлатованинг севиб тинглайдигани — Юнус Ражабийнинг мунгли қўшиқлари. Дунёдаги жамики ёрқин ранглари ўзиники қилган устозимнинг ёлғиз қолган кезлари оғир, ич-ичингни сўтиб, вужудингни зиркиратиб юборувчи қўшиқларни тинглашидан аввалига ажабландим. Аммо ҳайратим кўпга қўзилмай, ўзини фош этган эсселарига, кўнгил кечинмаларига кўзим тушди-ю, бир хил қатта жо қарама-қаршилиқларни англагандай бўлдим. “*Болалигимда онам укамнинг бешигини тебратиб алла айтса, негадир йиғлагим келарди. Чунки бу қўшиқ жуда мунгли ва ғамгин эди. Ҳали бу очуннинг сир-синоатини билмаган мурғак тасаввурим орқали шу дарднинг, кўҳна дарднинг оғирлигини илгардим ва даҳшатга тушардим. Шундай пайтларда кўналим тўлиб: “Буву (Фарғонада она дегани), жон буву, шу ашуланғизни айтманг, мен жуда кўрқиб кетяпман”, дердим”. Мурғак тасаввурга экилган уруғлар — устозимнинг қўшиқ (дунё)ни дард шаклида қабул қилишига, шох асарлар оғриқдан келиб чиқишига, ҳаёти мобайнида бирор оғриқ унга беғона бўлмаслигига, ҳаммага дардкаш, “оғирингни мен олай” деишига, шу билан бирга, дардга чидамли бўлиб ўсишига қадалаган уруғ эди. Онанинг ўзи билиб-билмай дунёга ижодкорни тақдир этаётганига бир далил эди. “Ҳақиқий қўшиқ дарддан яралади, дардни қуйлайди ва кўнгул дардига малҳам бўлади. У инсон қалбидининг энг тубида ётган оғриқларига таъсир қилади, жунбишга келтиради. Тилга чиқара олмаган ҳисларини қўшиқ орқали идрок қилади” ёки “Қўшиқни тинглаганида жоҳил инсон ҳам унинг таъсирига тушиб, шу тобда кўнгулдан кечган ҳис-туйғуларининг олдида ожиз қолади. Дийдаси юмшаб, туйғуларига бўйсунди. Ўзининг ожизлигини ҳеч бўлмаганда бир наво олдида тан олади”, деб ёзади Назира Тошпўлатова “Маърифат” газетасида чоп этилган “Боқий қўшиқ” эссесига.*

Китобларини бир-бир вақтлайман: “Кечинмалар ва кечирмалар”, “Йўлдаман”, “Журналистиканинг ҳуқуқий асослари”, “Журналистика психологияси”, “Журналистиканинг халқаро ҳуқуқий асослари”, “Тахлилий журналистика”, “Медиа ҳуқуқи”, “Маърифат тарихи”... Китоблардан нафақат публицист, олима Назира Тошпўлатова, балки айрилиқ, йўқотиш азоби, ҳамдардлик, ўзанинг дардига бефарқ қараёлмасликдан яралган эсселар, Америка, Хитой, Петербург, Туркия, Ҳиндистон ва Франция йўлларида топган-туйган ҳайрат, ҳою ҳавас, ҳаяжон, ҳавотир, хотиралари жам бўлган сафэрномалар, журналистика илмида фундаментал манбалар қаторига кириб улгурган илмий изланишлари, тахлил-тадқиқларни ортидан мардонвор буй чўзган Аёл ҳам қичиб келади. Кўнгилга қайтиш, саёхатлар, дунёни билишга кучли иштиёқ, психология, ҳуқуқ, тахлил ва маърифат — Назира Тошпўлатова картинаси шундай намоён бўлади. Айнан ҳуқуқий журналистикани тадқиқотларининг, ёзилажак китобларининг бош мавзуси қилиб олганида ҳам

маъно борга ўхшайди. Ҳуқуқ нима? Аввало, ўз кадр-қимматини билиш, вазифа ва масъулиятни англаш, яна ҳимоя...

Қалқони, илк қаҳрамони, падали Курбон отадан тўсатдан, қутилмаганда, ҳали ўттизга ҳам кирмаган пайти эрта айрилиб қолгани, сўнгги манзилга кузатолмай чеканидаги армон, суюқлиси, икки фарзанднинг отаси, турмуш ўртоғидан айрилганидаги изтироб, икки буюқ ҳимоячиси — икки қанотини йўқотгандаги бўшқандан яралди бу ҳимоя. Кўзумнеч қизалоғи, ҳали чиллеси ҳам чиқмаган дилбанди Нигорани кўзлардан асраёлмагани, кўзларига тўймаган опасини дарддан қилиб ололмагани, зўравонлик қурбони бўлган 23 яшар жияни қошида қўл қовуштириб туришгагина ярагани, “онадан-да меҳрибон, опадан-да сирдош, сингилдан-да шўх, кувноқ...” дуғонаси Ғулнозни йўқотиб қўйгани, уларни ҳимоя қилолмаганидан яралди бу туйғу. Ҳаётнинг паст-баланд зарбалари, ноҳақликларидан ўзни ҳимоялаб, чига-

рахбарлигида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Олти йилдан буён эса Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида талабаларга сабоқ бериб келмоқда.

Бугунги кунда эллиқдан ошиб ҳам қадди-қоматиға қизлар ҳавас қилгудек, кийимларини гулини-гулига тўғрилаб, қўрган кўзни қувнатар даражада ораста кийинади. Шу ёшда ҳам гўзалликка интилган, гўзаллиқни севган устозимнинг ёшликдаги қиёфасини хаёлан чизаман: кўп йигитларнинг ақли шошиб қолгандир... Ҳар тонг эрта саҳардан қулоқчинларни тақиб, аудиокитоб эшитганча, спорт мажмуи томон одимлайди. Ҳар кун икки соат спорт билан шуғулланиш, сеvimли ўйини бадминтондан куч олиш, тоғ неъматини, баракасиндан тўйиниш, икки сунъичи — ўғиллари билан мазали нонушта қилиш ва дорилфунун томон шошиш, мана, йилларки, одатга айланган. Соат ўнларга яқин журналистика (Ўзбекистон

# ЧИҒАНОҚДАГИ УМР

ноқдангина нажот кутди. Дунёда ўзидан бўлак ҳимояғўйи қолмаганди... Утмишдаги армонлари сабабми, ҳозир атрофидидаги яқинлари, шоғирдларини ҳифзи ҳимоясига олган, ондек турли бало-қазолардан асрагиси, уларга отилган тошларга ўзи қалқон бўлгиси, гардларни қоқиб, пок сақлагиси келади. Йўқотишларининг кўпи ўлим билан боғлиқлиги ваҳидандир балки, бу сўздан қаттиқ кўрқади. Ҳатто у мени йўқлаганида билмай ҳам қолай, деган нияти бор.

Феълдаги қусурларни қайсарлик, шартакилик, дипломатик, эркакшодалиқда деб билади. “Хонаси келиб қолса аяб ўтирмай, шартта юзига гапириб юбораман, дилини оғритиб қўйиб, кейин ич-этимни ейман. Феълимдан баъзан от хурқади. Эркак зоти-ку, бир чакирим наридан ўтади. Аёл киши сал юмшоқроқ бўлса-да”, дейди. Балки Назира Тошпўлатовани яқиндан билмаганлар ҳам шундай ўйлар. Асли буларнинг ҳаммаси йиллар мобайнида устига илинган ҳимоя либослари. Ўзини ҳаётнинг изгирин шамоллари, қўйдириб жиззага айланттирувчи жазирамасидан ҳимоялай-ҳимоялай, ўша қаттиқ чиғаноқ ичига яшириниб олган чиқар. Ундан ўтиб, ичига мўраласангиз, жавҳарни кўрасиз: ёш боладек хуррак, боладек ҳайратга мойил, таъсирчан, кичик нарсаларга ҳам гоҳ йиғлаб, гоҳ мириқиб куладиган, кўзларини пирпиратиб, сизга табассум билан боқиб турган меҳр гадоси, ўзида дунёнинг меҳрини ичига сиғдирган қўёш... Бир қарашда кўзингизни ҳам, қалбингизни ҳам олади.

1987–1992 йилларда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида тахсил олди, журналист сифатида “Тошкент окшоми”, “Маърифат” газеталарида фаолият юритди. Илмий фаолиятини Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бошлади, 2002 йилдан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида журналистика илмидан дера бера бошлади. 2005 йилда Бойбўта Дўстқороев илмий

журналистика ва оммавий коммуникациялар университетиға, жонажон кафедрасига қадам қўяркан, хона бирдан ёришиб кетгандек бўлади. Ҳамма шоғирд қизлари Назира Тошпўлатовани кутиб тургандек, қаҳва тайёрлашга ошиқшади. Кунни устози билан қаҳвахўрликдан бошлаш ҳам одат тусига кириб улгурган. Устозга беғона одам йўқ: “Болаларим, кўёвим яхшими?” деган сўроқдан ўртадаги пардалар кўтарилиб, онангдек яқин ҳис қила бошлайсан. Танимаган одами, билмаган хабари йўқ: энг кичик доиралардан халқаро мавзуларгача ҳаммиша улоқни илиб кетади. Сўхбатлашган сари сўхбат кургинг келаверади. Ўзи-да сўхбатдош танламайди: мавзу қизик бўлса ва ундан ҳикмат, янгилик олса, бас. Ота-онасидан мерос адолат, ростгўйлик хислатлари ҳар сўзи, амалда кўриниб туради. Шоғирдлари ўртасида ҳам ҳаммиша адолат қилгани, уларнинг ютуқларидан чин дилдан севина олгани, тан ола билгани, йўл-йўриқ, маслаҳат-тавсияларини аямагани учунми, ҳамма устозга, унинг хонасига тапналиди. Йўқлаб келгувчилари қўп. Ўзи ҳам қай манзил, қай сафарга бормасин, туҳфа билан қайтади, пиширган таомидан шоғирдлари, ҳамкасбларига илиниб, туғунчага тугиб келади.

Бошқа соҳаларда бўлгани каби журналистикада ҳам тор доираларда ихтисослашув бор. Кимдир фактчекнинг бўйича мутахассис, яна биров публицистика, пиар, медиасаводхонлик... Назира Тошпўлатова ана шу стереотипни ўзининг мисолида бузгандек: мадда ҳуқуқи дейсизми, медиа психологиясими, тахлилий журналистика ё публицистиками... барини бирдек сув қилиб ичган, дарсни ҳам санъат асари ёзаётгандек масъулият, импровизация, тайёргарлик, ўзига ҳо услуб билан ўтади. Дангасароқ, қитмироқ талабалар ҳам Назира Тошпўлатованинг дарсига бошқача ҳушёрлик, тайёргарлик, масъулият билан келади. Илмий доиралар, семинарларда унинг савол беришидан чўчиб туришди. Яратганининг марҳаматини қарангки, бир аёлни гўзаллик, зеҳн, илм

ҳамда ижод билан ҳам сийлаган. Сабоқ берган фанларининг ҳар бирида қалам тебратган, гўзал намуналар яратган: интервью, сўхбат, тахлилий мақола, эссе, йўл очерки... Устози Бойбўта Дўстқороев, Сайди Умировларнинг насиҳатига амал қилиб, шоғирдларини ҳам шу категорияга кўра танлайди: “Журналистика факультетида таълим бераётган одам, албатта, ўзи ижод қилиши, ёзиши керак. Бўлмаса, талабаларни ишонтиролмайди”.

Устозим журналистикаға оид қатор фанлардан сабоқ беришиға қарамай, уларнинг ҳеч бирини камситмаган ҳолда илғаганим, энг яхши қўрган предмети — эссеистика. Унга муҳаббати боисиданми, алоҳида фан сифатида дастурга ҳам киритган, эссе ҳақидаги сўхбатларимизда кўзлари бошқача порлаб кетади. “Назира опа, сиз қалбдан ижодкормисиз ёки олим?” сўрайман нигоҳидаги завқни кўриб. “Ижодкор бўлсам керак. Лекин илм ҳам ижод, аслида”, дейди.



Сўхбат сўхбатга уланади: “Ижод, бу — ҳаракат. Бирор масалада нимандир излаш, текшириш, тажриба ўтказиш. Кўча маънода, қоникмаслик йўлидаги саросарлик. Тўлиб турганинда ичингдагини ёзиб, енгил тортиш, сўнг ёзганингни ўқиб йиғлаш. Мени ҳайрат, ҳою ҳавас, ҳаяжон, ҳавотир, хотира ижодкор қилди. Ўзимга ўзим нимадир айтиш, ўзимнинг саволларимга жавоб бериш учун ёзаман. Ёзолмай қолишдан эмас, ўйлолмай, фикрлолмай қолишдан кўрқаман. Агар улар бўлмаса, ёзишнинг нима кераги бор? Назаримда, ижодкорга китобдан ва ўзидан яхши устоз бўлмайди. Уни яхши тинглайдиган, тушунадиган ҳамфикр, ҳаммаслак керак, холос. Авваллари мактуб битиб турардим. Охириги ёзган хатимга икки йил бўлибди, уни ҳам вафот этган оламга ёздим. Номи “Сенсизлик”. Ҳозир мактуб ёзмоқчи бўлганлар билан кўпроқ хаёлан гаплашаман”.

Саволдан-саволга чиғаноқ ичидаги жавҳарни кўра бошлайман:

— *Тушқунлиқдан сизни нима чиқаради?*

— Вақт, ўзни тафтиш қилиш, хатога иқроор бўлиш ва ҳаракатни янгидан бошлаш.

— *Афсусингиз борми?*

— Афсусланмайман. Чунки у бой берилган имконият. Ундан тўғри фойдалана олмаган бўлсам, унга ачиниш, ични ейишимга ҳожат йўқ. Ҳар бир берилган имконият муайян замон ва маконники, уни қайтариб бўлмайди. Хуллас, бўлиши керак бўлган ҳодиса, вазият, ҳолат сифатида қабул қиламан.

— *Бахтингиз нимада?*

— Борлигимда. Унинг маъноси оддий эмас.

— *Ёлғизлиқдан роҳатланасизми?*

— Роҳатланмайман-у, баъзан унга жуда эҳтиёж сезаман, баъзан ундан жуда кўрқаман.

— *“Муқаддаслик” тушунчасига таърифингиз. Сизнинг ҳаётингизда нима муқаддас?*

— Энг юксак қадриятлар муқаддасдир: эътиқод, макон, замон, инсон, муносабатлар. Аммо бу тушунча ҳамма учун бирдай мазмун касб этмайди. Моҳияти ва аҳамиятига қараб

ўзгаради. Масалан, илгарилари гард юктириб бўлмайдиган нарсанинг барчаси муқаддас эди мен учун. Ҳозир қарашларим ўзгарган. Яратганининг борлиги ва унга иймон келтиришдан ташқари, кўп нарсанинг қадри ва аҳамияти вақт, муносабатлар ичида оддий ва табиий эканлигини англадим. Аммо ота-онам ўтгандан кейин уларнинг хотираси ҳақида кўп ўйлайман. Уларни ўз вақтида қанчалик қадрига ета олдим? Аммо ҳозир жуда қадрли. Баъзан уларни жуда кўп кўймайман.

— *Бахт ҳақидаги тасаввурингиз?*

— Кимгадир нафиги тегмиши, кимгадир керакли эканлигининг ҳис қилиб яшаш.

— *Бахтсизлик ҳақидаги-чи?*

— Ёлғизлик, ҳеч нарсга ярамай қолиш, бошқаларга малол келиш.

— *Ўзингизда қандай қобилият бўлишини истардингиз?*

— Мусиқа чала олиш ва расм чизиш қобилиятим бўлишини хоҳлардим. Лекин...

— *Қайси ҳолдада ўзингизни камситилган ҳис этасиз?*

— Мени эшитишмаса, эътибор бермаса, мен билан ҳисоблашмасалар...

— *Қандай яшашни хоҳлардингиз?*

— Эркин яшашни. Афсуски, бунинг илжожи йўқ. Зиммамиздаги мажбуриятлар бунга изн бермайди.

— *Қаерда яшашни хоҳлардингиз?*

— Ҳавоси тоза, кичкинагина, одам кўп бўлмаган, денгиз бўйидаги яшил шаҳарчада. Негадир хаёлларимда шундай шаҳарчада уйим бўлишини кўп тасаввур қиламан.

— *Ҳаётдаги қаҳрамонингиз ким?*

— Ўзим (нокаментарлик бўлса ҳам)

— *Дунёнинг сурати қандай?*

— Турфа рангларда кўраман. Шунинг учун одамлар уни қандай бўлишидан қатъи назар яхши кўраверади. Ундан кеча оладиганлар саноқли. Унинг жилваларига асир бўлиб, кўп хато ва гуноҳлар қиламиз.

— *Дунёга нима бера опасиз?*

— Бутун ҳаётимни беряпман, ортиғига ожизман.

— *Агар буёунги Сиз бўлмаганингизда, ким бўлардингиз?*

— Бугунги мен бўлмаганимда, ҳеч ким бўлмасдим. Бугунги мен борманми, демак, шундай бўлардим.

— *Одамлар сизни қандай хотирлашини истайсиз?*

— Агар ўтганимдан кейин маҳшарда менинг гуноҳларимни енгиллаштиришга ёки жазола-римнинг оғирлашишига таъсири бўлмаса, қандай хотирлашларининг мен учун аҳамияти йўқ.

\*\*\*

Ҳар инсон — бир тилсим. Аёл — икки қарра. Бугунги руҳий ҳолати барқарор, хотиржам, ўзининг қаҳрамонига айланган, қийинчиликлардан кўрқмайдиган, аввал ўзини, сўнг бошқаларни кечира олган, дўстликда садоқатни улуғлайдиган, ивирсиқ бўлиб қолишдан уяладиган беназир аёл ҳикояси шугина эмас. Балки қолгани ўзини Жейн Эйр қаҳрамонидан топан китоб саҳифаларига, қаҳва тутганча, деразадан узоқ-узоқларга тикилган нигоҳларга, сеvimли рассоми Айвазовскийнинг тилсиз суратларига, куч, илҳом олувчи ҳамма нарсга сочилиб кетгандир...

Ҳаётини йўл деб билган Назира Тошпўлатова ҳамон илм ва ижод йўлида. Бу йўлларда одатийликдан ноодатийликка, аънавийликдан замонавийликка, билимдан тажрибага қараб одим ташлайди. Ҳар ишни сеvimли машғулота айлантирмагунча тинмайди. Ҳеч нарсани шунчаки, қўл учиди қилолмаслиги, эътибор ва меҳрини тўқис бериши оқ-қора ҳаёт йўлларига ранг беради, умрига эса мазмун. Энг кичик таржимаи ҳоли — оналик ва олимпиккача бўлган йўлда ҳали не-не сир-синоатлар бор, бундан чиғаноқ ичидаги дургина хабардор. Бизнинг кўрганимиз, англаганимиз, туйганимиз шугина, холос.

Севара А.ЛИЖОНОВА

**ЯНГИ НАШР**

**Ўзбек журналистикаси узоқ ва бой тарихга эга. Бу тарихни тадқиқ этиш, миллий журналистикамизнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари ҳақида кенгрок маълумотга эга бўлиш, ҳар бир даврнинг энг яхши журналистик материалларини келгуси авлодга етказиш муҳим масала.**

**Тўғри, шу пайтгача медиа соҳага доир кўплаб дарслик ва қўлланмалар, миллий журналистикамиз шаклланиши ва ривожланиш босқичларига оид маълумотлар ўрин олган китоблар нашр этилган. Аммо айни кунга қадар ўзбек журналистикаси антологияси яхлит ҳолатда яратилмаган эди.**

Бир неча йил аввал ҳам мазкур ишни амалга ошириш учун ҳаракатланган бўлган, лекин умийан сабабларга кўра, иш ҳар дам яқунлариди қолаверарди.

Президентимизнинг 2022 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган 2022-2023 йилларда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастурида “Ўзбек журналистикаси антологияси” китобини нашрга тайёрлаш белгиланган эди. Шу асосда зарур маблағ ажратилди. Натижада тарихий китоб — миллий журналистикамиз антологиясини яратиш имкони туғилди.

Юқорида таъкидланган дастурда қайд этилганидек, Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси масъуллари ҳамкорлигида ишга киришилди. Дастлаб ушбу муҳим китобни нашрга тайёрлаш масаласи соҳа олимлари, устоз ва тажрибали журналистлар, медиа учун кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари иштирокида кенг муҳокама қилинди, ишчи ва ижодий гуруҳлар шакллантирилди. Маҳаллий ва халқаро тажрибалар ўрганилди.

Ўрганишлар, билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида “Ўзбек журналистикаси антологияси” китобини нашрга

тайёрлаш бўйича режа ишлаб чиқилди. Унда белгиланганидек, яратиладиган антология “Қадимги давр журналистикасидан лавҳалар”, “Ўрта асрлар адабиёти — миллий журналистика шаклланиши ва тақомиланинг асоси”, “Жа-дидлар ва Иккинчи жаҳон урушигача бўлган давр”, “Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон уруши даври журналистикаси”, “Тўғрунлик даври журналистикаси: мураккаб сиёсий жараён ва матбуотдаги эвриллишлар”, “Қайта қуриш ва ошқоралик даври”, “Мустақиллик даври ўзбек матбуоти”, “Мустақиллик йиллари телевидениеси ва радиоси”, “Мустақиллик даври интернет журналистикаси” даврларини ўз ичига олиши керак, деган тўхтамга келинди. Ҳар бир даврга оид материалларни тайёрловчи ишчи гуруҳ аъзолари ва раҳбарлари тайинланди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу китоб жилдларини нашрга тайёрлаш осон кечмади. Иш жараёнида архив ва кутубхона фондларида сақланган тарихий ҳужжат ва газеталардан фотонусхалар, турли даврларда чоп этилган энг сара публицистик мақолалар, очерк ва фельетонлардан намуна ва парчалар олишга тўғри келди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси масъуллари бу борада ёрдамини аямди.

Узоқ вақт изланиш ва ҳамкорликда қилинган меҳнат натижада 2 жилдди “Ўзбек журналистикаси антологияси” китоби нашрга тайёрланди. Мазкур антологияга миллий журналистикамиз шаклланиш босқичларига доир энг муҳим маълумотларни киритишга ҳаракат қилинди. Илк нус-

хаси чоп этилган ушбу китобнинг ҳар бир жилди яқин вақт ичида “Ўзбекистон” нашриёти томонидан минг нусхадан нашр этилади.

Антологияда камчилик ва ноаниқликлар, соҳада ўз ўрнига эга ёки миллий журналистикамиз ривожига катта ҳисса қўшган баъзи устозлар китобга кирмай қолган бўлиши мумкин. Уюшма бу борадаги ишни давом эттириб, мазкур китобнинг 3 ва 4 жилдларини ҳам нашр этишни мақсад қилган. Демак, ўша камчиликлар ўрнини тўлдириш, миллий журналистикамиз ва унинг чин фидойилари ва устозлари ҳақида тўлиқ маълумот берадиган бир неча жилдди китоб дунёга келади.

Миллий журналистикамизнинг ривожланиш босқичлари билан боғлиқ муҳим ва қимматли маълумотлар жамланган “Ўзбек журналистикаси антологияси” юртимиз оммавий ахборот воситалари вақиллари, ижодкорлар, тадқиқотчилар, журналист кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари ўқитувчи-талабалари учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз.

Холмурод САЛИМОВ,  
Ўзбекистон Журналистлари  
уюшмаси раиси  
вазифасини бажарувчиси

“Янги Ўзбекистон” газетасининг 2025 йил 15 март, 53-сонидан олинди.

ТАДҚИҚОТ

# БЕРУНИЙ ВА АЛ-ХОРАЗМИЙНИНГ УЛКАН КАШФИЁТЛАРИ



Донишманд ва олимларнинг  
хулқларидан ўрнак олиш яхши  
хулқларни яратadi, ёмонларини  
йўқотadi.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

Абу Райҳон Беруний бобомизнинг ижодий фаолиятига назар ташласак, у ўзидан олдинги алломалар эришган илмий ютуқларни чуқур ўрганган, уларнинг ривожига ўз хиссасини қўшган ҳолда келажак авлодларга тақдим этган. Қуйида Хоразм элининг икки буюк алломаси — ал-Хоразмий ва ал-Беруний асарларидаги фикр-мулоҳазаларга эътибор қаратишни лозим топдик.

Бу алломаларнинг иккаласи ҳам Хоразм тупроғида туғилиб ўсган. Уларни 190 йиллик давр ажратиб туради. Заъмоннинг зайли билан бири Бағдодда, иккинчиси эса Гургандча ва Ғазнада иқод қилиб, йирик асарлар яратиб, машҳур олимлар сифатида донг таратган.

Манбаларга кўра, Беруний ўз ватандоши Хоразмийнинг илмий мероси билан жуда қизиққан, уни ўрганиб чиққан, ўз даврига хос янги маълумотлар билан бойитган. Беруний ўз асарларида Хоразмий номини қайд этади, унинг асарлари ҳақида маълумотлар беради. Масалан, Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида Хоразмийнинг “Китоб ат-тарих” асарини тилга олган ва унинг астрономик кузатишлар олиб боргани ҳақида фикр билдиради. “Ҳиндистон” асарида ҳиндлардаги астрономик зикрлар билан Хоразмий зижини қиёсий ўрганиб, илмий баҳо беради.

Аллома “Геодезия” асарида эса Хоразмийнинг астрономик фаолияти ҳақида фикр юритади. Берунийнинг ёзишча, Хоразмий ўша даврда Бағдодда олиб борилган астрономик кузатишларга раҳбарлик қилган. Беруний Хоразмий тузган астрономик жадваллар билан ҳам таниш бўлган. “Геодезия”да шахрларнинг географик узунликларини аниқлаш усули ва ҳиндларнинг “Синдҳинд” китобида бу масала қандай ёритилганини ҳақида Хоразмийнинг “Кичик Синдҳинд” асарида кенг илмий мулоҳазалар баён этилганини ҳам таъкидлаб ўтади.

Буюк олим ўз тадқиқотларида Абул Ҳасан ал-Аҳвонийнинг (IX аср) китобида Хоразмийнинг астрономик жадваллари тўғри таҳлил қилинмаганлигини аниқлади ва шу мавзуда асар ёзиб, унда ўз уҳулосларини етарли далиллар билан исботлаб берди. “Қонуни Масъудий” асарида оддий йиллар, қуёш ва қамарий йилларини ҳисоблаш ҳақида ёзганда Хоразмий тузган “Маъмун зиж”и дан ҳам мисол келтириб ўтади.

Маълумки, Ер меридиани айланасининг бир градусини дастлаб Эратосфен (милоддан аввалги 276-194 йиллар) ҳисоблаган. Берунийнинг хабар беришига кўра, Эратосфен маълумоти Гален (тахминан 131-201 йиллар; у Шарқда Жолинус ҳаким номи билан машҳур бўлган) асарида бир хил ва Клавдий Птолемей китобларида бошқача ёзилганлиги сабабли халифа Маъмун амалда яна бир бор

ўлчаб чиқшини Хоразмийга буюрган. Беруний мавжуд ўлчовлар натижасидан қаноат ҳосил қилмай, Ер меридиани ёйи узунлигини шахсан ўзи ҳисоблаб чиқишга аҳд қилади. Бу ишни аввал Журжон (Гургон)да амалга оширмоқчи бўлади. Бироқ шарт-шароит бўлмагани сабабли, кейинчалик Ҳиндистонда Ер меридиани ёйи узунлигини ўлчаб ҳисоблаб чиқади ва халифа Маъмун даврида ал-Хоразмий томонидан бажарилган ўлчовлар натижасига ижобий баҳо беради.

Берунийнинг ёзишча, Хоразмий асарларида ўша давр Бағдод астрономларининг илмий фаолияти ҳақида ҳам маълумотлар бўлган.

Беруний Хоразмийнинг фақатгина астрономия ёки географияга эмас, балки математикага оид асарлари билан ҳам таниш бўлган, бу асарларни ўрганиб, ўзи ҳам шу соҳада асарлар ёзган. Бироқ Хоразмий ва Беруний географик мероси ўртасидаги боғлиқлик, асосан, уларнинг асарларида берилган шахарлар жадвалида кўринади. Бу жадвалларни ҳар иккала аллома ўз даври маълумотларига мослаб тузган.



Ал-Хоразмийнинг “Ернинг қиёфаси”, “Сурат ал-арз” асарида шахарлар иқлимларга бўлиб ёзилган, уларнинг географик узунлиги ва кенглиги градус ва минутларда кўрсатилган. Беруний тузган шахарлар жадвалида ҳам бу тартиб сақланган, аммо унга вилоятлар (областлар) ҳам илова қилинган. Масалан Жанпа, Алсур, Бановас, Панжъвар, Ромишер каби номлар кетига “Ҳиндистон” деб ёзиб қўйилган. Бу эса ана шу шахарлар Ҳиндистон мамлаката-тида жойлашганлигини кўрсатади.

Умуман, билод (вилоят) ларга бўлиш “Сурат ал-арз”да ҳам бор. Лекин Беруний асаридегидек шахарлар жадвалида эмас, балки алоҳида рўйхат тарзида берилган. Хоразмий асарида вилоятлар рўйхати дунё харитасини изоҳлаб, асосан, ғарбдан шарққа йўналишида ва иқлимлар тартибида тузилган. Хоразмийнинг вилоятлар учун ёзган координаталари ёрдамида фақат шу вилоят номининг харитадаги ўрнини белгилаш мумкин.

Хоразмий ва Беруний вилоятлар рўйхатидаги яна бир фарқ ўз даврининг таъсиридир. Хоразмийда берилган баъзи вилоятлар номи Беруний рўйхатида кўрсатилмаган. Бунинг сабаби Беруний шахарлар жадвалини ўз даврига мослаб тузган, ўзгаришларни ҳисобга олиб, янги маълумотлар қўшган. Жумладан, Хоразмийда шахарлар қаторида кўрсатилган айрим пунктлар Беруний жадвалида вилоят деб номланган. Масалан, Хоразмий рўйхатида “Хоразм шаҳри” Хоразм (вилоятининг) пойтахти сифатида келади. Дарёлар қисмида эса Хоразм шаҳри билан бир қаторда, Эли Хоразм (Хоразм эли) ҳам эслатиб ўтилган.

Демак, давр ўтиши билан ижтимоий тараққиёт жараёнида ер юзида янги маъмурий бирликлар таркиб топган, уларнинг чегараларида, номларида ўзгаришлар содир бўлган. Шу сабабдан Берунийнинг шахарлар жадвалида вилоятлар сони кўп, номлари ҳам аксар ҳолда янги. Масалан, маъмурадаги вилоятлар сони Хоразмий асарида 56 та, Беруний шахарлар жадвалида 80 та ва Улуғбек “Зижи Кўрагоний”сидаги шахарлар жадвалида эса 61 тадир.

Хоразмийнинг маъмури вилоятларга ажратиши шарқ картографиясида Ерни маъмурий бирликларга ажратишнинг ўзига хос янги усули эди. Бу анъана кейинчалик Абу

Райҳон Беруний томонидан ривожлантирилиб, янги поёнага кўтарилди. Иккала муаллиф шахарлар жадвалидаги бошқа хусусиятларни қиёслаганда ана шундай ҳолат кўзга ташланади. Масалан, Хоразмий ҳам, Беруний ҳам ўз жадвалларида шахарларнинг координаталарини кўрсатиш билан бир қаторда, уларга қисқача изоҳ беришган. Хоразмийда: “Кулзум, денгиз бўйида, узунлиги 56°30’, кенглиги 28°20’”. Берунийда: “Кулзум шаҳри, бу Қизил денгиз нийҳотида бўлиб, у Суф денгизи деб машҳурдир. Узунлиги 56°30’, кенглиги 28°20’”. Демак, Беруний батафсилроқ изоҳлашга ҳаракат қилган. Бу изоҳларнинг хусусияти ҳам ҳар хил. Хоразмий ўз изоҳларини, асосан, харитадан олган ва унинг мазмуни маълум пунктнинг картадаги ўрнини белгилаб беради. Беруний, асосан, шу тамойилга амал қилган бўлса-да, қўшимча яна турли манбалардан тўплаган хабарларни ҳам келтирган. Масалан:

**Хоразмийда:**  
ЖАННОБА — денгиз бўйида, узунлиги 77°20’, кенглиги 30°.

СИРОФ — денгиз бўйида, узунлиги 79°30’, кенглиги 29°30’.

ТИЗ — денгиз бўйида, узунлиги 82°40’, кенглиги 26°.

**Берунийда:**  
ЖАННОБА — Форсда кема-лар тўхтайдиган жой, узунлиги 77°20’, кенглиги 30°0’.

СИРОФ — Сифнинг марказий шаҳри. Сиф — Жанноба билан Нажирам орасида, узунлиги 79°30’, кенглиги 29°30’.

ТИЗ — Макроннинг марказий шаҳри, узунлиги 83°0’, кенглиги 26°15’.

Хоразмий баъзи шахарларга умуман изоҳ бермаган, Берунийда эса унинг изоҳи берилган. Масалан, Хоразмийда: Ал-Қайрувон, Ҳимс Бағдод, Ахсикат изоҳсиз ёзилган. Берунийда Ал-Қайрувон — Африқия марказий шаҳри, Ҳимс Финикия заминида, Бағдод — Дажланнинг иккала томонида, Тинчлик шаҳри (ҳам дейилади); Ахсикат — Фарғонанинг маркази. Айрим ҳолларда эса аксинча, Хоразмий изоҳ берган, бироқ Беруний жадвалида изоҳсиз пунктлар ҳам учрайди. Масалан, Хоразмийда: “Ҳадиса шаҳар”, “Журжон — денгиз яқинида”, “Ат-Тароз — уни савдогарлар шаҳри ҳам дейишади” деб изоҳ билан ёзилган.

Беруний шахарлар жадвалининг афзаллик томони шундаки, Хоразмий жадвалида эслатилган номга қўшимча ана шу номнинг бошқа вариантларини ҳам келтиради. Масалан, Хоразмийда Ал-Мансура, Синда, Тароблас, Ат-Тоиф, Ал-Ямома, Мосул ёзилган бўлса, Берунийда “Бахманво — бу Катта Мунха Мансура деб аталган”, “Илион — бу Тароблус Шомдир”, “Тоиф — қадимги исми Важж”, “Ямома — бунинг қадимги исми Жавдир”, деб изоҳланган.

Умуман, географик кенгликни ўлчаш учун қадимданок махсус асбоблар бўлган ва улар ёрдамида жой кенглиги анча аниқ ҳисобланган. Бундай ўлчовлар Хоразмий даврида ҳам бажарилганлигини юқорида айтиб ўтган эдик. Беруний ҳам жойларнинг географик кенгликларини қўпичча ўзи ҳисоблаб топган. Масалан, Беруний “Ҳиндистон” номли машҳур асарида ўзи олиб борган геодезик кузатишлари тўғрисида қуйидагиларни ёзади: “Лоҳур қальасининг кенглиги 34°10’ эканини ўзим ҳисоблаб топдим. Кузатишлар натижасида мана бу жойларнинг кенгликларини аниқладим: Ғазни 33°35’, Кобул 33°47’, Гандиамир 33°55’, Дунпур 34°20’, Ламгон 34°43’, Пишавур 34°44’, Байханд 34°30’, Жайлам 33°20’, Нандна қалъаси 32°, Сиёлқут 32°58’, Мандаккапур 31°50’, Мултон 29°40’”.

Қадимги китоблар ва зикрларда ёзилган жойларнинг географик узунликлари ҳақида фикр юритганда, энг аввало, уларда кўрсатилган бошлангич меридианни аниқлаш зарур.

Биз ўз мақола-мизда жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, умрбўйи асарлар яратган иккита буюк Хоразмийлар — ал-Хоразмий ва ал-Беруний асарларидаги улкан кашфиётларга эътибор қаратдик.

Асосий вазифамиз икки буюк аллома асарларини янада чуқур ўрганиш, улардан баҳра олишдан иборат.

**Бахтияр РУЗМЕТОВ,**  
**Урганч давлат университети**  
**профессори,**  
**иктисодиёт фанлари доктори,**  
**Нью-Йорк Фанлар академияси**  
**ҳақиқий аъзоси.**

ХОРИЖ

## ДЕПУТАТ АҚШдан ОЗОДЛИК ҲАЙКАЛИНИ ҚАЙТАРИШИНИ СЎРАМОҚДА

*Яқинда Европарламентнинг франциялик депутати Рафаэль Глюксманн АҚШнинг авторитар тизимидан норозилиги ва Украинага ёрдам беришни тўхтатиши сабаб Озодлик ҳайкалини қайтаришини сўрамоқда.*

“Биз уни совға қилдик, лекин сиз ундан нафратланаётганга ўхшайсиз”, деган Глюксманн. Унинг фикрича, АҚШ илм-фан мустақиллигини талаб қилувчи олимларни қадрламай қўйган.

Маълумот учун, Озодлик ҳайкали француз ҳайкалтароши Огюст Бартольди томонидан яратилган ва 1886 йил Америка мустақиллигининг 100 йиллиги муносабати билан АҚШга совға қилинган.



## АҚШнинг ЯМАНГА ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

*Маълумотларга кўра, АҚШнинг 15 март куни Яманнинг “Ансорул-лох” ҳаракатининг ҳусийларига қарши бошлаган ҳарбий операциялари ҳафталаб давом этиши мумкин.*

АҚШ ушбу ҳаракатни давлатларнинг денгиз кемалари ва самолётларига қарши “қароқчилик”, “зўравонлик ва терроризм”да айблаган. Ҳозирга қадар авиазарбалар натижасида 50 дан зиёд киши ҳалок бўлган, 100 дан ортқ одам жароҳат олган. АҚШ ушбу ҳужумларни Яманда амалга ошириладиган кенг қўламли операциянинг бошланиши деб атади.

Пентагон вакилларининг маълумотларига кўра, ҳусийлар 2023 йилдан буён АҚШ ҳарбий кемаларига 174 маротаба, тижорий кемаларга 145 маротаба ҳужум қилган.



## ИСРОИЛ ҒАЗОГА ҲУЖУМИНИ ҚАЙТА БОШЛАДИ

*Сўнгги маълумотларга кўра, Исроил ҳарбийлари 18 мартга ўтар кечаси Ғазо секторига яна ҳарбий ҳаракатларни бошлади.*

Исроил авиаҳужумлари натижасида 322 нафар одам ҳалок бўлган, улар орасида болалар ҳам бор. Исроил ҳукумати ушбу ҳужумга сабаб сифатида ҲАМАС ҳаракатининг ўт очишни тўхтатиш режими-ни узайтириш бўйича музокара-ларга рози бўлмаганлигини кўрсатмоқда.

Исроил бош вазири девони баёноти-га кўра, Исроил ҲАМАСга нисба-тан анча йирик ҳарбий операция бошлаган. “Исроил армияси операцион ре-жани ўтган дам олиш кунларида тақдим этди ва сиёсий раҳбарият томонидан маъқулланди”, дейилган баёнотда.



## GERMANIYA SHIFOXONALARI URUSH SHAROITIGA TAYYORLANMOQDA

*Маълумотларга кўра, Германиянинг Бавария федерал ери соғлиқни сақлаш вазири Юдит Герлах Германия уруш шароитида ҳам ҳарбийлар, ҳам фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатишга тайёр бўлиши керак эканлигини таъкидлади. Ҳукумат аллақачон шифохоналардан фавқулодда вазиятлар бўйича огоҳлантириш тизими ва тезкор режалар ҳақида маълумот тақдим этишни талаб қила бошлаган.*

Германия Европага Россиядан кел-лаётган ҳарбий таҳдиднинг ортаёт-гани, АҚШнинг хавфсизлик битими-дан чиқиб эҳтимоли сабаб бундай тайёргарлик зарур деб ўйламоқда.

“Германиянинг мудофаа қобили-тини мустаҳкамлаш фақат ҳарбий соҳа вакиллари билан чекланмас-лиги керак. Фуқаролик сектори ҳам ҳар қандай инқирозларга, жумладан, ҳарбий можаҳроларга тайёр бўлиши керак. Узоқ йиллар мобайнида мамлакат глобал силкинишларга қарши ҳимоя масалаларига етарлича эътибор қарат-маган, энди эса бу камчили-кни зудлик билан тўлдириш керак”, — деган Юдит Герлах.



Интернет маълумотлари асосида  
Гулнора ШЕРМАТОВА тайёрлади.

СПОРТ

Маълумки, мамлакатимизда бугунги кунда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Zero, жисмоний тарбия ва спорт аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзи ҳамда соғлом муҳитни қарор топтириш имконини беради.

Шу билан бирга, спорт юксак маданият, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутиб, спортда эришилган ютуқлар мамлакатни дунёга танитади, барча юртдошларга ғурур-ифтихор бағишлайди. Мана шундай жиҳатларни инобатга олган ҳолда сўнгги йилларда аҳолининг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шўғулланишлари учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, айниқса, турли спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ишларини тизимли ташкил этишга йўналтирилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистонда кишки спорт турлари фаол ривожланмоқда. Бу эса мазкур йўналишнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани ва тизимли дастурларнинг амалга оширилиши тўғрисида. Агар кишки спортнинг юртимизда ривожланиш тарихига назар солсан, 2020 йилда кишки спорт турларини оммалаштириш ва спортчиларни халқаро мусобақаларга, жумладан, 2021 йилги кишки Осиё ўйинлари ва 2022 йилдаги XXIV кишки Олимпия ўйинларига тайёрлашга қаратилган



“Ўзбекистонда кишки спорт турларини 2020-2023 йилларда ривожлантириш дастури” тасдиқланди. Мазкур дастур доирасида мамлакатимиз ҳудудларида фигурали учмиш, хоккей, шорт-трек каби спорт турларини ривожлантиришга хизмат қилаётган ёпиқ муз майдончалари қурилиши бошланди.

Шунингдек, Кишки спорт турлари ассоциацияси, Хоккей федерацияси, касб-ҳунар клублари ва хусусий мактабларга солиқ ва божхона имтиёзлари берилди. Бу эса уларнинг фаолиятини рағбатлантириш, спорт инфратузилмасига сармоя жалб этиш имконини бермоқда.

Яна бир амалий ишлардан бири — 2026 йилда Италияда бўлиб ўтадиган XXV кишки

Олимпия ва XIV Паралимпия ўйинларига тайёргарлик қуриш доирасида спортчиларни комплекс тайёрлаш дастури тасдиқланди. Ушбу дастурнинг асосий вазифалари этиб, зарур инфратузилмани яратиш, спорт ва таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, ҳудудлар кишки спортнинг айрим турларига ихтисослаштириш ва терма жамоаларни шакллантириш белгиланди. Шунингдек, 2019 йилда Тошкент вилоятида очилган Амирсой тоғ-чанги курорти ҳам муҳим лойиҳалардан бири бўлди. Бу замонавий курорт бўлиб, умумий узунлиги 22 км бўлган 13 та чанги югуриш йўлагини ташкил этади. Келгусида мазкур йўлақлар сонини 28 тагача кенгайтириш режалаштирилган. Бу-

гунги кунда эса Амирсой чанги спортини ривожлантиришга кўмаклашиб, маҳаллий ва хорижий сайёҳларни жалб қилмоқда.

Шу ўринда, 2025 йил февраль ойида спортчиларимиз Харбин шаҳрида бўлиб ўтган IX кишки Осиё ўйинларида муносиб иштирок этиб, юқори тайёргарликни намойиш этиб, 26 йиллик танаффусдан сўнг Ўзбекистон делегацияси кишки Осиё ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди.

Энг қувонарли жиҳати, бу олтин медаль Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети талабалари, фигурали учмиш бўйича терма жамоамиз аъзолари Дмитрий Чигирей ҳамда Екатерина Гейниш жуфтлиги томонидан қўлга киритилганлиги университетнинг бугунги кунда кишки спорт турлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаётганидан далолатдир. Эътиборлиси, бундан 26 йил олдин кишки спорт бўйича Ўзбекистонга илк медални 1994 йил Норвегиянинг Лиллехаммер шаҳрида бўлиб ўтган кишки Олимпиадада Лина Черязова фристайл спорт туридан тақдим этган эди. Айтиш жоизки, Лина Черязова ҳам Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети-нинг собиқ талабаси ҳисобланади.

Шунингдек, жорий йилнинг 1-2 март кунлари Хитойнинг Жиансу провинцияси кишки спорт турлари ассоциацияси томонидан тоғ чангиси ва сноуборд спорт турлари бўйича бўлиб ўтган халқаро мусобақада университет талабалари умумий ҳисобда 2 та олтин ҳамда 1 та бронза медалларига эга чиқиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи бўлишди.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, уни-верситетимизнинг мамлакатимизда соғлом



турмуш тарзи асосларини шакллантириш, кенг аҳоли қатлами орасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлашда ва энг муҳими, малакали кадрларни тайёрлашда, давлатимизнинг дунё спорт ареналаридаги нуфузини янада оширишда алоҳида ўрни бор. Кишки йўналишдаги комплекс ёндашув, жумладан, инфратузилмани ривожлантириш, спорт ташкилотларини қўллаб-қувватлаш ва спортчиларни тайёрлаш Ўзбекистонда кишки спорт турларини фаол ривожлантиришга хизмат қилиб, ўзининг илк натижаларини бера бошлади. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз спортчиларининг ушбу йўналишда ҳам энг кучли жамоалар сифатида эътироф этилишига сабаб бўлмоқда.

Султон ДАВЛЕТМУРDOV,  
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети  
Кишки ва мураккаб-техник спорт турлари кафедраси мудири.



# БУХОРО ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни муборак рўзи  
Рамазон ойида кириб келаётган

## НАВРЎЗ АЙЁМИ

билан қутлайди.

Ушбу қутлуғ кунларда халқимизга бахт-саодат,  
фаровонлик ва жамики яхшиликларни тилайди.  
Юртимизда таълим-тарбияни ривожлантиришга  
давлат сиёсати даражасида эътибор  
қаратилаётгани, барча эзгу орзу-умидларимиз  
тимсолига айланганига гувоҳмиз. Дарҳақиқат, илм-  
фан, маънавият ва маърифат мамлакатни қудратли,  
миллатни буюк қилувчи кучдир.  
Баҳор – янгиликни, яшариш, нафосат фасли.  
Барчамизга хуш келсин!



Қадрли юртдошлар,  
Андижон давлат педагогика институтининг  
кўп сонли профессор-ўқитувчилари, билимга  
чанқоқ зукко талаба-ёшлари!  
Сиз азизларга яқинлашиб келаётган

## Наврўз байрами

муборак бўлсин!

Она Ватанимиз гуллаб-яшнайверсин, ҳар  
бир ватандошимизнинг юракларида Наврўз  
шукуҳи йил бўйи давом этсин!  
Янги Ўзбекистонда ёшларнинг таълим  
олиши учун кенг имконият ва шароитлар  
яратиш стратегик вазифа сифатида  
белгилангани жуда қувончлидир. Зеро, илм  
ва маърифатли халқимизнинг ўтмиши бой,  
бугуни ва келажаги, албатта, шафоатли,  
нурли бўлажакдир.

# АНДИЖОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

## ХОТИРА

Назар Шукруни бир марта кўрганман.  
Иккимиз бақамти атиги бир неча дақиқа  
суҳбат қурганмиз. Ана шу бир неча дақиқа  
менда ўчмас таассурот қолдирган. Пой-  
тахтдан келиб, Одил Хотам билан учраш-  
ганимда, айтиб берган биринчи таассуро-  
тим Назар Шукруни ўзимча кашф этганим  
бўлди. У шундай содда, беғубор, сами-  
мий эдики, тўғриси, шу пайтгача шундай  
очиқкўнгил одамни учратмагандим.

“Кўкдаги умр” китобидаги шеърларини  
ўқиб чиқдим. Жисму жонидagi соддалик,  
самимият шеърларидаги теран фалсафий-  
лик билан янада тўлишиб, шоир сиймосини  
кўз олдимда улуғвор қилиб гавдалантирдим.

Аммо кўп ўтмай, мудҳиш фожиа юз берди.  
Уша кунлари Одил акага далда берувчи би-  
рор сўз айтолмадим. Айрилиқ изтиробини жуда  
оғир кечирди. Назар Шукр ҳақида гап кетга-  
нида кўп бора кўзига ёш олганини, айтмоқчи  
бўлган гаплари бўғизга тикилганлигини кўрган-  
ман. Пойтахтда ўқиб юрган кезлари иккаласи  
ўртасида чинакам жигаргўшалардек ака-укалик  
муносабати қарор топганлигига амин бўлдим.

Орадан йиллар ўтди. Вақт — малҳам. Ғам-  
ғусса, мусибатлар ҳам унутилади. Аммо Назар  
Шукр ҳақидаги хотиралар Одил акани ҳеч қач-  
он тарк этмади. Ҳар гал у ҳақда гап очилса,  
маънос тортди қолар, изтироб ва алам билан  
шоирни хотирлар, унинг пок руҳини эъзозлаш  
мақсадида қилинган ҳар бир хайри ишни қу-

вонч билан қутиб оларди. Ўзи ўқиган мактабга  
шоир номи берилгани ҳақида хабар эшитганда,  
терисига сиғмай, суюнган эди.

Шоир туғилиб-ўсган Чирқочига кўп қарра  
бориб келди. Шоирнинг ўкаси Ўроз Ҳайдар билан  
доимий алоқада бўлиб турди. Иккаласи бир-  
бирига хат ёзиб туришни қанда қилишмасди.  
Одил ака ўзи ҳам яхшигина шоир, адиб бў-  
либ шаклланган Ўрозга шоир акасида бевақт  
ажралиб қолганидан сўнг кўнгли ўксимаслиги  
учун бутун вужуди билан акалик меҳрини бахш  
этарди.

“Юксакдаги дарахт” хотира-эссесини ўқия-  
ман-у ўша олис йиллар кўз ўнгимда қайта жон-  
ланди. Унда ҳар бир сатр самимият билан  
ёзилган. У шунчаки қоғоз қоралаш учун ёзил-  
маган. Сатрлар қаърида юксак тоғлар залвори  
каби соғинч, энг яқин дўст ҳижронидан чексиз  
алам, дард тўлкини сузади, йиллар синовида  
тобланган садоқат туйғусидан туғилган шукро-  
налик, некинликка қорилган сабр-қаноат, умид  
ва ишонч ёлқинлари кўнглини гоё равшан қи-  
лади. Йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида  
Одил аканинг ҳар бир шеъри туғилишига гувоҳ  
бўлганман. Китобни ўқиш жараёнида мен вақ-  
тида илғамаган, англамаган, моҳиятига тўла  
етмаган ҳолатларни ҳам кўрдим ва бу Назар  
Шукрунинг шахсияти, ижодкор сифатидаги сий-  
моси, шеърларининг бугунги кун учун ҳам дахл-  
дорлигини қайта кашф этишимга ёрдам берди.  
Эсимда, газетамизда (ўша пайтда “Коммунизм  
учун”, ҳозирги “Кармана овози” газетасида хиз-  
мат қилардим. Д.М.) унинг “Нишон аканинг  
этиги” деган шеърини эълон қилгандик. Газе-



тадан бир нусха шоирга юборилди. Кўп ўтмай,  
ундан Одил аканинг номига миннатдорлик хати  
келди. Унда: “Ҳеч ерда босилмаган, босишни  
хоҳлашмаган шеъримни чиқарибсизлар, раҳ-  
мат”, дейилганди.  
Китобни варақлайман. Сатрлар орасидан  
Назар Шукр қулиб қараб тургандек бўлади. Та-

# САМИМИЯТ

## таниқли шоир Одил ХОТАМни

биатан у шундай эди. Умрида кўрмаган одами  
бўлса ҳам, кўп йиллик қадрдонлардай муноса-  
батда бўлар, унинг учун бировларнинг кўнглини  
олиш, кўнглини кўтариш, кўнглиларга яқин бў-  
лиш фазилати мужассам эди. Бу ҳол шеърла-  
рида ҳам ўз ифодасини топган. Хотира-эсседа  
кептирилган шеърларни ўқиб, бунга амин бўли-  
шингиз мумкин. Унинг шеърларида самимият  
уфуриб туради. Зўрма-зўракилик, соҳталиқ, ҳа-  
войилик йўқ. Самимий инсонлар бу фойий ду-  
недан ўтиб кетгандан сўнг ҳам самимийлик би-  
лан хотирланади. “Юксакдаги дарахт” ана шун-  
дай самимият билан йўғрилган, Назар Шукр  
шахси, ижодий йўли ҳақида билдирилган фикр-  
ларнинг барчаси самимийлик билан айтилган.  
Менимча, китобнинг қиммати ҳам мана шунда.

\*\*\*

Вақт — югурик. Кечагина бир-биримизни  
кўрсак, бир зумда дунёнинг у бошидан кириб,  
бу бошидан чиқардик. Суҳбатимиз ижод ҳа-  
қида, илҳом шавқи-ю қийноқлари ҳақида бў-  
ларди. Китоби чиққан бўлса, албатта, даст-  
хат ёзиб, бир нусхани менга берарди. “Қуёш  
сиёҳдони” тўплами нашр қилинган йили уч-

рашиб қолганимизда, китоб тарқалиб кетиб,  
хатто ўзида ҳам қолмаганини хижолатомуз  
айтди, қайта-қайта узр сўради, имкони топилиб  
қолса, албатта, бир нусха келтириб беришини  
ваъда қилди. Орадан кўп ўтмай, “Хирмон” чоп  
этилди. Одил ака кўнглида ёстиқдай китоб би-  
лан уйимга кириб келди. Шу ерда ўтириб, даст-  
хат ёзди. Титроқ қўллари билан анча қийналиб  
ёзди. “Ўзр, анча вақтингизни оламан, ёзишга  
қийналадиган бўлиб қолганман”, деди. *Ус-  
тоз менга тақдим этадиган китобга шундай  
дастхат ёзиб берди: “Кўп йиллик қадрдон ҳам-  
касбим, ажойиб ижодкор, қўшим Достон Ма-  
вловова эзгу тилаклар билан тақдим этаман.  
Ижодингизга барака, соғ бўлинг! Эҳтиром би-  
лан Одил Хотамов. 06.09.2022. Кармана”.*

Одил аканинг дастхатини ҳар қандай ҳо-  
латда мен ўқий оламан. Ахир йигирма йил  
бир жойда елкама-елка, ёнма-ён туриб ишла-  
дик. Менинг газетига ишга келишимга ҳам ай-  
нан Одил ака сабабчи бўлганди. Ишга келдим.  
Одил ака бўлим мудири, мен оддий муҳбир-  
ман. Одил ака топшириқ беради, мен бажар-  
ман. Газетанинг қандай машаққатлар билан  
яралишини шунда билдим. То газетхон қўлига

ЭЪТИРОФ

Саксон ёшнинг эшигини дадил, тетик тақиллатиб турган серқирра адиб, адабиётимизнинг обрўли оқсоқолларидан бири Фарид Усмон ўтган йилнинг ёзида Зомин тоғларида битган шеърйи туркумини жўнатиб, “Бир кўз ташлаб қўярсиз!” деган камтарона сўзларни илова қилибди. Муҳтарам муштарий олдида дарҳол тан олиб қўя қоламан: анча йиллар аввал ажойиб шоир, истеъдодли носир, иқтидорли эссе-навис Фарид Усмон ҳақида “Муаттар меҳр” номли китобча ёзганман. Фарид аканинг мафтункор матнлари асосида қуйланиб келинаётган энг дилбар қўшиқларни доим мириқиб тинглайман.

Яқинда улуғ шоир А.Твардовскийнинг “Новый мир” кундаликлар-эссесини варақладим. Биринчи жилди 656, иккинчи жилди 650 бетдан иборат. Аммо ҳозир гап бу ҳақда эмас. Кўп йиллар аввал “Красная Пахра”да бўлганимда, москвалик дўстларим бир-бирига туташ икки дала ҳовлини, яъни Александр Трифонович ва Юрий Трифонов яшаган масканларни кўрсатишган. Юрий Валентинович “Қўшним ҳақида хотиралар” эссесида “Мен Твардовский билан дала ҳовлида қўшнигина эмас, бир даврда ёнма-ён яшадим!” деб ёзган эди. Агар таъбир жоиз бўлса, мен айни кунда Москвадаги Адабиёт институтининг қаттиқ нонини еган қадрли устозларим — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ва Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Шер, қолаверса, ўша табарруқ олий ўқув юртида қанотларига қувват олган атоқли сўз заргари, “Дўстлик” ордени соҳиби Фарид Усмон билан бир даврда Янги Ўзбекистон ҳавосидан нафас оляпман, ўттиз йилдан буён оғани бўлиб келяпман.

Фаридиддин аканинг таржимаи ҳолига назар солсангиз, доимий меҳнат ҳамда ижод у киши ҳаётининг безағи бўлганини кўрасиз. Ҳали мактабни тугатиш арафасида Андижондаги “Электродвигатель” заводига ишчи бўлиб ишлади, муаллимлар институтини тугатиб, икки йил шўро армиясида хизмат қилди, сўнгра хунар-техника билим юртида тер тўқди. “Шонли меҳнат” газетасида мусахҳиҳу муҳ-

бир вазифасини бажарди. Андижонда Ҳабибий, Боқир, Улфат домлалардан аруз сирларини ўрганди. Тошкентга бориб, ғазалларини ўзидан 10 ёш катта устози Эркин Вохидовга кўрсатди. Устоз машқларни маъқуллади. 1983 йили Фарид ака улуғ адиб Сарвар Азимов имзоси билан Ёзувчилар уюшмасининг табарруқ гувоҳномасини қўлига олди. Тавсияномаларни атоқли мунаққид, моҳир таржимон Тўхтасин Жалолов, машҳур қўшиқнавис шоир Нормурад Нарзуллаев ва у пайтлари ижод чўққиларини забт этиб келаётган элдоши Муҳаммад Али ёзиб берган эдилар.

Машҳур Маҳмуд мўйловнинг Навоий кўчасидаги чойхонасида шоир дўстлари билан ош еб ўтирганида, суҳбатдошлардан бири: “Эҳ, Фариджон! Сизни алдаб нима қилдик. Ҳозир шоирлардан ким машҳур — Расул Ҳамзатов! Адиблардан ким машҳур — Чингиз Айтматов! Иккиси ҳам Москвадаги Адабиёт институтида ўқишган. Осилсангиз, баланд дорга осилинг: ўша институтда ўқинг!” деди. Шу гап бўлди-ю Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлимида ишлаб юрган шоир 1985-1987 йилларда Максим Горький номидаги Жаҳон адабиёти институтида таҳсил олди. Бунга у пайтлари Ёзувчилар уюшмасида ишлаган, бир пайтлари мазкур олий ўқув юртида ўқиган, Сарвар Азимовдек бағрикенг устоз меҳридан баҳраманд бўлган талантили шоир Шавкат Раҳмон сабабчи бўлди. Олий адабиёт курсининг поэзия семинарида Фарид ака, проза семинарида Тоғай Мурод таълим олади. “Тоғай Мурод жуда камгап эди, — деб эслайди Фарид Усмон. — Ё китоб ўқирди, ё бадий асар ёзарди. Вақтини бошқа ўтқинчи эҳтиёжларга сарфламас эди.

Кўп ўй ўйларди. Менимча, “Отамдан қолган далалар”нинг зуваласи ўша Тверь хиебонида, “ЦДЛ” яъни Марказий Адабиётчилар уйи, Пушкиннинг ўйчан ҳайкали қошида ёнқи Переделкино дарахтзорларида қорилган бўлса керак!”

Шоир Москвадаги таҳлилдан олдин ғазалларини “Ёшлик баёзи”да, ўзининг “Водий ғазаллари”, “Ёшлик ғазаллари” тўпламларида эълон қилган эди. 1981 йили болаларга аталган “Бойчечак” китобчаси босилди. Олий адабиёт курсини тугатгач, “Гулхан” журналида Ёзувчилар уюшмасининг бадийи адабиётни тарғиб қилиш шўъбасида ишлади. Бирин-кетин “Учқур тойчоғим” (1985), “Умид гулзори” (1991), “Ул қаро кўз бўлмаса” (1991), “Қадр кечаси” (1992), “Навосиз наво” (1994), “Мен кичикмас, каттаман” (1996), “Оқ олтинга кўк чирок” (1998), “Қуёш расми” (2000), “Наврўзда ўйна, қуйла!” (2003), “Жон қуши” (2005), “Хусн девони” (2006), “Муҳаббат, о муҳаббат!” (2007), “Рух булбули” (2008), “Қайларга қочай, Лайло?” (2010), “Мени сев” (2011), “Янги ой” (2011), “Шаклар қўшиғи” (2011), “Санашни биладиган мушук” (2012), “Шоҳ Бобур юлдузи” (2013), “Сузинг бўлбуп эса бўстонсиз қолмас” (2013), “Ўшал дамлар” (2014), “Шаршара” (2014), “Ғилдиракли уй” (2015), “Ҳар кимнинг ўз хотираси бўлур” (2016), “Вақтичоғлик гуллари” (2017), “Қайтиш” (2017), “Парвозга шайланган қалб” (2018), “Ҳаёт ва ҳаё” (2018), “Андижон юртида тўлган ой” (2019), “Тоғланларим” (2019), “Бобур подшоҳ” (2020), “Бобур салтанати” (2020), “Сени севганим рост” (2021), “Тунда чопган оқ тулпор” (2021), “Ноеб истеъдод эгаси” (2021), “Қуридим қудуғи афсонаси” (2021), “Хонлар тарихи” (2022), “Иблисининг қайтиши” (2022), “Ко-

ронавирус қичқириги” (2023), “Арузни ўрганиш иштиёқи” (2023), “Манзара” (2023), “Рух булбули” (2023), “Чингизхон авлодлари” (2024), “Тарихий эсселар” (2025) “Навоий туғилган жой” (2025), “Бобур туғилган уй” (2025) сингари 50 дан зиёд шеърйи, насрий, публицистик китоблари чоп этилди. 2023 йили “Қоши камонлар” номли ғазаллар тўплами қорақалпоқ, 2024 йили “Хонлар тарихи” эссеси қирғиз тилида нашр қилинди. “Туркий халқлар адабиёти дурдоналари” 100 жилдлигига таржималари киритилди. Устоз асарлари асосида яратилган кўплаб болалар пьесалари, мультфильмлар ҳақида тўхталмадик.

Кўп йиллар аввал Ўзбекистон радиосида Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳамроқулов ижросида қуйдаги самимий сатрлар янгради:

Мубтало этмиш мени ширинлигине, шаккарлигине,  
Махлиё этмиш мени ширинлигине, шаккарлигине.  
Дўст бўлиб қолдим сенга, танҳо қадрдоним ўзинга,  
Ошино этмиш мени ширинлигине, шаккарлигине...

Эртасига ҳофиз Андижонга, дўсти Фарид акага қўнғироқ қилиб: “Мени кечиринг. “Ширинлигинг, шаккарлигинг”ни фонотекага бошқа бир шоир шеърйи деб ёздиришга мажбур бўлдим. Худо хоҳласа, кўп шеърларингизни қўшиқ қилиб “Фарид Усмон сўзи” деб ёздираман!” деди. Ҳофиз ўз сўзида турди: шоир шеърлари билан “Сендадур”, “Сочларингда тун уйқуси”, “Кумушим дейму сени” қўшиқларини яратди. Кўп ўтмасдан радио ва ойнаи жаҳонда “Оққуш”

қўшиғи жаранглади:  
Оққуш, Оққуш! Қанотингни ёз!  
Оғушнгаа ол мени, этайлик парөөс!  
Оққуш, Оққуш!  
Бир-биримизни этайлик эъзоз...  
Фарид Усмон — машҳур қўшиқнавис шоир. Айни кунда миллионлаб муҳлислар унинг қуйидаги гўзал сатрларини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Яхёхон Мўминов ижроси (шу ном билан телевидениеда махсус кўрсатув берилмоқда)да тингламоқда:

Қани ул сен билан ўтган ўшал дамлар, ўшал дамлар,  
Фақат қолганга ўхшайди у дамлардан алам, ғамлар...  
...Ҳамиша қайтса тайёрман, Фарид, жонимни бермоққа,

Агар бир лаҳза, бир фурсат ўшал дамлар, ўшал дамлар.  
Янги Ўзбекистон нафақат китобни, китобхонларни, балки китоб ёзувчиларни ҳам қўлаб-қувватламоқда. Кўп йиллик ижодий фаолияти учун устоз Фарид Усмон муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йили имзолаган Фармонга биноан “Дўстлик” ордени билан тақдирланди. Табарруқ ёш арафасида устоз шоир янада илҳом билан тўлиб-тошиб ижод қилмоқда. Қуйидаги шеърлар туркуми фикримизнинг ёрқин далили бўла олади.

Янгибой КЎЧҚОРОВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

# ШАМОЛГА ПЕШВОЗ ЮРДИМ... (туркум)

Фарид УСМОН



“ЗОМИН” СИҲАТГОҲИДА

Қуёш тоғ бағридан ўзгача чиқар,  
Офтобдан чўққига тўшалади зар.  
Мамнун илиқликка кучоғин очар,  
Тоғлар оғушида ўсган арчалар.  
Тераклар чўққидан ўзиб кетсам деб,  
Гўёки шошилиб бўй чўзар кўкка.  
Бунақа назокат, бундай нурил зеб,  
Чирой бахш этади ҳар тонгда кўкка.  
Салқин хуш ҳавонинг сеҳри лол этар,  
Нурли чўққиларга боқарканман жим.  
Ойбек домла ёзган нодир бу сўзлар,  
Идрокимда бир зум бўлади ҳоким:  
“Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,  
Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор...”

2024 йил 10 август.  
Зомин.

\*\*\*

Хазон япроғидан ким куй зийтмас?  
Хазон япроғига термилганмича ўйлағайман жим...  
Хазон япроғи янглиғ чехралар сарғайди деб Бобур,  
“Ўзимни яхши-ю ҳамда ёмондин, деди, ўткардим”.  
Дедим ўзимга ўзим: мен ёмон ҳам яхши кўрдимму,  
Ҳаётимда кўринган ҳар ёмон яхшини ўйлардим.  
Ҳаётимда кезиб сарсону сарғардон демиш Бобур,  
“Хазон япроғи янглиғ гул озининг ҳажрида сарғардим”.  
Фикр этсам, одам умри хазон япроғига эрмиш,  
Шу ҳолатдан хазон япроқлари сўзлар эди билдим:  
Фарид тонеге саболарда шитирлаб япроқ айтаандай,  
“Хазон япроғидан ким куй зийтмас?! Аслида ҳеч ким...”

2024 йил 12 август.  
Зомин.

\*\*\*

Тоғлар бағрида ором,  
Тоғлар бағрида роҳат.  
Шаҳарлик тоғ бағрида  
Доим топар фароғат.

Бунда ҳаво мусаффо,  
Бунда ёз пайти сўлим.  
Бунда даврга бор даво,  
Баҳрасиз қолмас ҳеч ким.

Бунда дам олиш маскан,  
Бунда талай сиҳатгоҳ,  
Бандамга деб тоғларни  
Яратиб қўйган Аллоҳ!  
Тоғлар бағрида ором...

2024 йил 10 август.  
Зомин.

\*\*\*

Во ажабо, негадир,  
— Чўққига чик, — дер юрак.  
Жисм дер:  
— Чўққидан не қиласан?  
Ахир мен пастга керак.  
Пастда бари одам,  
Пастда бари оломон.  
Чўққи учирвориши мумкин,  
Паст сақлар омон.  
Одам эрсанг, одамлар  
Ичда тинч юравер,  
Худо берган хуш дамлар,  
Ҳаёт завқин суравер!

2024 йил 10 август.  
Зомин.

\*\*\*

Майдончада ёш бола,  
У ён, бу ён шўх чопар.  
Шу чопқиллаш ичидан  
У ниманидир топар.  
Нима у, биз билмаймиз,  
Бизга бу ҳол ноаён.  
Билар фақат болакай —  
Билар фақат чопагон.  
Муштдеккина бу жоннинг  
Чопмоғида кашфиёт  
Сезилиб турганини  
Англағаймиз биз фақат.  
Унда кўп ихтиролар,  
Янгиликлар мужассам.  
Чунки юриб-югуриб,  
Дунёни билган Одам.  
Майдончада шўх бола,  
У ён, бу ён шўх чопар...

2024 йил 11 август.  
Зомин.

ЗОМИН ТОНГИ

Шаббода пастга оқар,  
Қуёш чўққидан боқар.  
Одамларга шу ёқар,  
Зоминда тонг хуш отар.

Эсар шифобахш шамол,  
Борлиққа бермай малол.  
Тонг шундан соҳибжамол,  
Зоминда тонг хуш отар.

Арчалар тонг бегази,  
Тиниқ тоненинг жаранги.

Ҳар тонг шу тоғ оҳанги,  
Зоминда тонг хуш отар.

Шамол қадрини билдим,  
Шамолга пешвоз юрдим.  
Одамларга илдинм...  
Зоминда тонг хуш отар.

2024 йил 13 август.  
Зомин.

\*\*\*

Зомин деган манзилда,  
Тоғларда ҳаво тоза.  
Атрофларга бу тоғлар,  
Тозаликда андоза.

Чўққига чиққан сайин,  
Майинлашар ҳаволар.  
Поёнсиз арчазорлар,  
Дилга ёқар маъволар.

Олис ёнбағирларда,  
Оппоқ қорлар етади.  
Қуёш қорли чўққилар  
Орқасига ботади.

На иссиқ, на совуқ бор.  
Тоғ бағри жон роҳати.  
Ортар одам боласин  
Тоғларга муҳаббат.

Зомин деган манзилда,  
Тоғларда ҳаво тоза.

2024 йил 14 август.  
Зомин.

\*\*\*

Тоғдан оқар сувларни  
Шаршара деб атаймиз.  
Шаршарани кўргани  
Борган эдик атай биз.

Чўққиларга сакраган  
Сув оқарди қоядан.  
Қилдик уни томоша,  
Ўтирганча сояда.

Арчаларинга сояси  
Жонга ҳузурбахш эди.  
Шаршара тоғ бағрига  
Муҳрланган нақш эди.

2024 йил 16 август.  
Зомин.

\*\*\*

Хуш ҳаво Зомин, гўзалдир тоғларинга,  
Арчазорлар остида ўтлоқларинга.  
Қоялардан қояга сакраб чопар,  
Тип-тиниқ шўх сувларинг-куёноқларинга.  
Тип-тиниқ сутни симиргандек бўлар,  
Бор экан тоза ҳавонг — қаймоқларинга.  
Неча кундир кўнелимни хуш айлади,  
Чўққидан ирғиб чопар ирмоқларинга.  
Хуш ҳаво жар устида кўприк, ажиб,  
Менга ҳам этди насиб кўрмоқларим.  
Эл-улус яйрар, Фарид ҳам яйради,  
Бўлмасин кам, Зомин-о, ардоқларинга.

2024 йил 17 август.  
Зомин.

# ИФОРИ

ЁД ЭТИБ

етиб боргунча газета ўн марталаб ўқишлиши, юз марталаб хато-камчиликлари тузатишлиши ҳаёлимга келмаганди. Шунда ҳам баъзан хато ўтиб кетар, эртаси куни кимни айблашни билмай жиғибйорон бўлиб ўтирардик. Ўша пайтда кўкда учиб юрардим. Газетани чинакам ижод майдони билиб, шеър, ҳикоя, бадий лавҳа, қатрлар, этюдларга ҳамма ерни тўлдириб ташлардим. Репортаж, фельетон каби газетанинг фаол жанрларини шу ерда ўргандим. Одил ака менга ижодий туртки берар, ёзганларимни мунтазам ўқиб борар, маспахатлар берарди. Ўзи ҳам тинмай ижод қиларди. Ўша пайтларда Москвада чоп этиладиган газета-журналлардан кўплаб таржималар қилди. Улардан газетамизга мос келадиганлари эълон қилларди. “Литературная газета”, “Книжное обозрение”, “Новый мир”, “Роман газета” каби газета-журналларга Одил ака айтиб берган. Л.Толстой, Ф.Достоевский, И.Бунин, А.Куприн, А.Солженицин сингари ижодкорларнинг фожиавий тақдирлари ҳақида сир тўтиб келинган маълумотларни ҳам Одил

акадан эшитганман. Кейин бу ёзувчилар яратган асарларни гоҳ аспиятда, гоҳ таржимада ўқиб чиқдим. Йигирма йил давомида бир жойда бирга ишлаб, Одил акадан олган сабоқлар учун миннатдорман ва руҳлари олдида ҳамиша бош эгаман.

Одил ака феномен шахс эди. Бундай одамлар ҳаётда жуда камдан-кам учрайди. Унинг характериға хос хусусиятлар: ниҳоятда хокисор, сокин, вазмин, осойишта одам эди. Паст овозда сўзларди, ниҳоятда эҳтиёткор, хушёр кўринарди. Камтарлиги, камсуқумлиги тилларда дoston бўлганди. Ҳақоратли сўзларни озига олмасди, сукиммасди, кимдандир қаттиқ ранжиса, “Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ!” дерди. Такаллуф, мулозамат, хурмат-эҳтиром каби одоб меъёрларини керагидан ҳам ошириб юборарди. Шу қадар эҳтиёткор эдики, бу одатини илк бор кўрган одам ё ҳайратга тушарди, ё дод деб юборарди. Хотирада сақланиши лозим бўлган ҳар қандай сўз, фикр, гап бўлсин, ён дафтарчасига қайд этиб қўярди. Бировга етказиши зарур бўлган топшириқни, илтимосни, албатта, дафтарчада қайд қилинган ва айтилган мuddатда шу иш бажо этиларди. Уйининг

ё ишхонанинг қалити бўладими, албатта, бир парча қороз толиб, ҳафсала билан ўрайди-да, чўнтагига эҳтиётлаб солиб қўяди. Одил аканинг бу қадар ҳар бир ишга эринмай вақт ажратиши, биз аҳамиятсиз деб билган майда-чўйда эҳтиёт чораларини ҳеч қачон назардан қочирмаслиғи ҳайратланарли эди. Рости, баъзан мен бетоқатланиб, тегажоглик қилардим. “Авайлаган кўзга чўп тушади, дейишади, бунчалик ҳам эҳтиёткорлик нега керак?” десам, Одил ака охишта мийғида қулиб қўяр ва ҳар доимгидек эҳтиёткорлик чораларини кўришда давом этарди. Одил акадаги эҳтиёткорлик менда бўлмагани сабабли қанча-қанча қалит йўқотдим, кимлардир ноёб китобларимни ўқийман деб олиб, бермай кетди, неча бир топшириқни унутиб юборди, панд едим. Одил ака мунтазам кундалик юритарди, шогирдларига ҳам кундалик юртишни одат қилиш ҳақида ўғит берарди.

Одил ака ҳақида ўйлаганимда, ҳар гал шундай истеъдодли шоирнинг умри туман газетасида ўтиб кетганига афсусланаман. Чунки туман газетаси ҳар қандай истеъдодни ўзининг тор қобигидан чиқариб юбормайди. Газета ижодкорини қайрайди, дейишади, аммо ёзувчи ёки шоирни эмас, журналистни, газетачини қархайлади. Бадийи ижодда истеъдоди намоён бўлса, унинг катта адабий давралар, қайноқ ижодий муҳит ҳукмрон бўлган пойтахтда камол топиши ҳақида қайғуриш лозим. Одил ака республика радиосида ишлади, “Тулистон” журналида шеърлари эълон қилиниб, ўз даврининг етук шоирлари, адабиётшуно олимлар этирофига сазовор бўлди. Аммо ана қишлоғига

бўлган муҳаббат, узоқ йиллар ундан олисда юрганлигининг соғинчи тақдирини туман газетаси билан боғлади. Уйланиб, бола-чақали бўлгач, Муқимийдек Карманани ташлаб кетолмади. Табиийки, унинг бағри ўша пайтда ижод шавқи билан тўлиб-тошган қалбига торлик қилди. Катта истеъдод эгасининг умри туман газетасининг биқик муҳитида сокин, осойишта, муаммоларга тўла кечди. Ижодидаги айрим чекланишлар, камчиликлар, чекинлишлар сабабини ана шу ҳол билан изоҳлаш мумкин. Шоир бахтиёрлигининг бир сабаби шу эдики, у бор билими, тажрибаси, бадийи ижоддаги маҳорат сирларини шогирдларига сингдиришга ҳаракат қилди. Шунинг учун ундан бир оғиз маслахат олган, ўғитга қулоқ тутган ижодкорлар бутун миннатдордир. Ундаги шогирдларварлик фазилати чиндан ҳавас қилса арзийдиган бир мактабдир.

Кўп умри газета муаммоларини ҳал этиш, газета атрофида бўладиган асаббузарликларга чидаш, газетага ҳукмини ўтказишга ўрганган амалдорларнинг буйруқларини бажариш, мазаматрасиз йиғилишлар, узундан-узоқ мажлисларда тоқат қилиб ўтириш, на ўзига, на ўзгага фойдаси тегмайдиган жамоат ишларини бажариш билан ўтди. Бир куни хуноб бўлиб ўтирганини кўрдим. Камдан-кам ҳолларда шундай бўларди. Қандайдир бир жамият тўзилибди, унга Одил акани масъул қотиб этиб сайлашибди. Энди унинг Низомини, режасини ишлаб чиқиш лозим экан. Руҳан толиққан Одил ака сокингина: “Энди фақат каламуш тутарлар жамиятга аъзо бўлишни қолди-да”, деди. “Балки шу ташвишлар бўлмаганида, Шоир бўларимиди

анча улуғвор”, деб ёзганида Абдулла Орипов Одил ака сингари ижодий истеъдоди майда ташвишлар гирдобиди кўмилиб қолганлар ҳақида ачинаиб айтгандир. Одил ака пойтахтда яшаганида ва ижод қилганида бугунги кунда адабиётимизнинг забардаст вакили бўлиб таниларди. Ҳолбуки, қанча-қанча истеъдоди ҳаминқадарлар адабиётга заррча фойдаси тегмаган бўлса ҳам кўкрагига уриб юрибди. Ҳатто бундайлар Одил аканинг тушига ҳам кирмаган, орзу ҳам қилмаган мукофотлар, унвонларга эришганлар. Одил ака шогирдларига: “Мукофот учун ёзмаган, мукофот ортдан қувманг, аксинча, мукофот сизнинг ортингиздан қувсин”, деб ўғит берарди. Одил акага берилган “Меҳнат шуҳрати” ордени ва “Шуҳрат” медали унинг ортдан қувиб, умр бўйи ҳалол яшаган, меҳнат қилгани, халқимиз маънавий оламини бойитишга қўшган ҳиссаси учун кўксидан жой олган мукофотлардир.

Икки аср оралиғида Навоий вилоятидан етишиб чиққан энг истеъдодли шоир Одил Хотам ҳаёт бўлганида шу кунларда 75 ёшни қаршилар эди. Афсуски, бу кунлар устозга насиб этмади. Бир юпанч шуки, Одил ака адабиёт муҳлиблари, ижодкорлар, зиёлилар қалбидан чуқур жой олди, ҳаётлиғида ёзган шеърлари билан ҳамиша халқимизга камарбаста бўлиб қолади. Бу самимий инсон қаламидан тўкилган назимий туйғуллар халқимизнинг маънавий ҳаётини яшаб, шоир абадийлигини таъминлашига ишонаман. Зеро, устоз шеърларида самимият ифор таратиб туради.

Достон МАВЛОНОВ.

## ЖАВОҲИР

## ИБРАТ КЎЗИ, АҚЛ КЎЗГУСИ

ёхуд Алихонтўра Соғунийнинг “Тарихи Муҳаммадий” асаридан олган сабоқларим

2025 йил 10 март, душанба кун. Кўкча. Шайх Зайниддин бобо қабристон. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари бундан ропла-роса ўн йил аввал шу кун вафот этган эди. Исломи оламида қайсига қўйиб, бу фаний дунёдан боқий дунёга сафарга кетган ўша кун кўз ўнгимдан бир-бир ўтади. Ихлос сурасини ўн бир марта ўқиб, Зайниддин бобо, Алихонтўра Соғуний, Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, Алоуддин Мансур ва бошқа шу қабристонда абадий қўним толган марҳумлар руҳига бағишладим.

Аста юриб, Алихонтўра Соғуний сағанаси ёнидаги доимо тўшақ солиб қўйиладиган ўридикча ўтирдим. Оппоқ қабртошдаги ҳазрат қаламига мансуб ҳикматни ўқидим. Алихонтўра Соғуний 1885 йили 21 мартда Туркистон ўлкасининг Тўқмоқ шаҳрида ўзбек оиласида туғилган эди. Отаси Шокирхонтўра эшон ҳам Нақшбандий сулукига мансуб таниқли уламо бўлган. Келгуси ҳафтада алломо туғилганига 140 йил бўлади. Анча йиллардан бери унинг “Тарихи Муҳаммадий” китобидан олган сабоқларим ҳақида ёзишни орзу қилиб юраман. Бугун шу кунга етказгани учун Яратганга беадад шукрлар қиламан.

“Тарихи Муҳаммадий” асарини ҳар гал ўқиганимда, муаллифга “ХХ асрнинг Имом Бухорийиси” деб таъриф берилгани бежиз эмаслигига амин бўламан. Йирик исломий фалсафий олимларнинг яқдиллик билан эътироф этишича, “Тарихи Муҳаммадий” ХХ асрдаги энг инсонпарвар ва бетақор асарлардан биридир.

Яширмайман, илм олишга ғайратимиз жўш урган ёшлик пайтларимиз дахрийлик мафкураси асосида қўрилган совет тузумининг туб моҳиятини англаб олмаганимиз. Қўлоқларимиз қар, кўзларимиз кўр, дилларимиз пардаланган ҳолда коммунист-тик партия ғояларини улуғлаб вояга етганмиз. Аммо мустақиллик туфайли Алихонтўра Соғуний каби ислом дини фидойилари, улуг боболаримизнинг қолдирган бебаҳо мероси юзга чиқди. Кўзимиз очилди, онадан қайта туғилгандек бўлдиқ гўё.



“Тарихи Муҳаммадий” ислом дини тарихи, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёт ва фаолиятлари, йилгирма уч йиллик пайғамбарлик даврида бошларидан кечирган кунлари, тўрт халифалари, саҳобаи киромлари ва бошқа мусулмонларнинг иймон ва ислом йўлида қилган хизматлари, мушрик ва куфр аҳлининг дастлаб ислом динига қаршилиқ ва инқорлари, сўнгра тўп-тўп бўлиб исломни қабул этганлари, аҳойиб ва гаройиб тарихий ва мўъжизавий воқеалар ўта чиройли тарзда батафсил тасвир этилган нодир асардир. Бу китобни кўп марта ўқиб чиққан бўлсам-да, сафарга чиқганимда ҳам доим ёнимда олиб юраман. Уни ҳар йили рамазонда қайта ўқишга одатланганман. Ушбу дурдона ҳар қанча таъриф ва тавсиф қилинса арзийдиган бебаҳо китоб. Кўп билан мутолаа қилиб, серқирра маълумотларидан, файзу фу-туҳли мазмунларидан баҳраманд бўлишнинг ўзи бахт. Асарни ўқисам, асримизнинг кўплаб уламои фозилларининг буюк устози Алихонтўра Соғуний ҳазратлари билан гўё суҳбатлашгандай бўламан. Вужудим ҳузурланиб, кўнглим ором топади. Мумдаи эрийман, кўзимга тўтов-сиз ёш келаверади. Орифона бор-бомизнинг таъкидлашича, ҳар бир мусулмон боласи пайғамбаримиз, ислом дини, Муҳаммад алайҳиссалом, Қуръони карим тарихларини билиши, албатта, лозим. Дин қар-дошларимга ёдрорлик бўлсин деб

ёзилган “Тарихи Муҳаммадий”дан улғи олиб, Яратган роббим ва Ислом динига эътиқодим, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга муҳаббатим зиёда бўлди дея оламан. Бу мўъжизавий китобни эътиқод билан ўқиб, бандачилик гуноҳларимга тавба қилдим. Фезлимдаги майда иллатлардан фориғ бўлиш қуввати ҳам шу асар ҳикматларидан олдим.

“Тарихи Муҳаммадий”ни улуг зиярат насиб қилган, ўтган йили Мадинага, Маккага ҳам олиб бордим. Зиёратдош дўстларимга китобдан парчалар ўқиб бердим, уларнинг ҳам ҳайратлари ошди.

Кейинги йилларда ёзган китобларимга, очерку эсселаримга ҳидоят нури кириб бораётгани ҳам шу каби рисолаи шарифларнинг шарофати-дан деб билдим.

— Буюк устозимиз Алихонтўра Соғуний илму ҳикматнинг қироат, тафсир, ҳадис, фикҳ, наҳв, балоғат, мантиқ, тиб, тарих, сийрат, жуғрофия, назм ила наср ва бошқа фанлар бўйича ҳам етук мутахассис бўлган, — деб ёзган эди шайх Абдулазиз Мансур ҳазратлари.

Ушбу ноёб асар нашрига бошқош бўлган, масъул муҳаррирлик қилган шайх Абдулазиз Мансур ҳазратларига тасаннолар бўлсин!

Ёшлигидан Арабистонда таълим олган Алихонтўра Соғунийнинг шиори “Ёшлиқда эгалланган билим — тошга ўйилган нақш” эди. Азал-азалдан балою офат, ғурбат ва му-

сibatларнинг энг қаттиғи солиҳ ки-шилар бошига келган. У ҳам тақ-дири азалнинг зулму ситамларига дучор бўлди. Миллат, ислом йўлида озору кулфатларга бардош берди, сабр либосини ечмади. Динни ин-сон вужудига қўйилган омонат бир гавҳар деб билди, омонатга хиёнат қилмади.

1967 йили “Темур тузуқлари”ни эски форсийдан таржима қилиб, “Гу-листон” журналида нашр эттирган-лиги ҳам чинакам жасорат бўлган эди. Ғайринисоний, ғайримисломий совет тузumi даврида соҳиби Турон бобомиз Амир Темур тузуқларини ҳаққимизга тақдим этишга жам эт-мак ҳар кимнинг журъати етармак иш эмасди.

У ислом табобатини ўргатиб кет-ган қучли табиб ҳам эди. Жўмладан, “Шифо-ул илап”, яъни “Иллатлар шифоси” асариде икки юзга яқин ка-салликлар баёни, ташхиси ва даво-лаш усулларини берган.

Етук сиёсий арбоб Алихонтўра Соғунийнинг “Туркистон қайғуси” асариде халқимиз қандай қилиб босқинчиларга кул бўлиб қолгани ва қандай қилиб ватанин, миллатни асраш кераклиги чўқур сиёсий-иж-тимой мантиқ асосида мукамал баён этилган.

“Туркистон қайғуси”нинг тўлиқ наشري буюк мутафаккир Алихонтўра Соғунийнинг кенжа ўғли Қўтлу-хонтўра (Эдиқут) Шокиров томони-дан тайёрланиб, 2020 йили Тош-кентда “Шарқ” нашриёт-матбаа а-кциядорлик компаниясида босмадан чиққан. Муаллиф қайғу билан: “Ҳар бир миллатнинг ҳақиқий онаси — у миллатнинг туғилиб ўсган, ота-бобо-сидан мерос қолган Ватанидир. Она Ватани бошқалар тасарруфига қол-дирмак — ватан авлодларининг ке-чирилмас оғир жиноятларидир, балки бу инсон ҳуқуқларига хиёна-тидир”, деб ёзади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, раҳматли Эркин Воҳидов шундай деган эди: “Дунёда улуг ин-сонлар пайдо бўлса, бу ўша замон-ниче эҳтиёжи туфайли пайдо бў-лар экан. Ҳазрати Навоий дунёга келганларида, ижод қаламини қўл-ларига олганларида туркий тил ни-ҳоятда забун тилга айланган эди. Бу тилни шеърят юксаклигига кўтариш керак эди. Унинг қадр-

қимматини кўтариш керак эди. Шундоқ бир тарихий бурч, шундоқ вазифа ҳазрат Навоийниче зимма-сига тушди. Ва Аллоҳ бизга шундоқ буюк инсонни берди. Мен ҳазрат Алихонтўра Соғунийни кўришга, оз-гина суҳбатларини олишга муяссар бўлганман. Ўйласам, у кишининг дунёга келишлариям Аллоҳнинг бизларга берган неъматини бўлган. Мусулмон халқини, туркий мусул-мон халқларининг миллий озодлик ҳаракатини бошлаб бериш ким-нингдир зиммасида бўлиши керак экан. Ана шу бурч Алихонтўра Со-ғуний зиммаларига тушган. Ўйгу-ристонда бошланган ҳаракат Ўз-бекстонда бизнинг ҳам кўзимизни очди. Ҳақиқатни айтиб, бир қанча бизга ўхшаган кишиларнинг ҳам кў-зини очган”.

“Агар икита чопоним бўлса, унинг янгисини бировга бергим ке-лаверади”. Алихонтўра Соғунийнинг бу сўзларидан аёни, у инфоқ-эх-сонни қучли зот бўлган.

Инсоф аҳллари бир кун туз ичган жойига қирқ кун салом берса, Али-хонтўра Соғуний минг кун таъзим қиладиган солиҳ инсон эканлигини ушбу изҳоридан ҳам англашимиз аён: “Ўзбек эли, айниқса, Тошкент аҳли кут-баракот киндигида яшайди, бу ерларга азиз-авлиёларнинг дуоси кетган, бунда ҳеч қачон очарчилик, қаҳатчилик бўлган эмас, бўлмайдик ҳам, иншооллоқ”.

Сизни мутафаккир бобо дей-инми, азиз авлиё дейинми, орифи комил дейинми ва яна ким дейин, барчасига лойиқсиз! — деган оташли каломлар дилимдан отилиб чиқа-веради.

Ҳозир ҳам “Тарихи Муҳамма-дий”га ихлос билан термилиб ўти-рибман. Кенжабой отам раҳматли Алишер Навоийни илоҳий устозим деб билардимлар. Навоийни ўқисам, отамни кўргандай бўламан. Соғу-нийни ўқисам эса Навоийни кўр-гандек бўламан. Ибрат кўзим очил-гандай, ақл кўзгусига қарагандай бўламан. Ўзингиз китобингизда қай-та-қайта ёдимизга солгансиз: “Буни ўқувчилар фақирини дуоларида ёд қилиб қўйишларини умид қилурман”. Дуодамиз, доимо дуо қилиб юража-кимиз, эй пири комил бобомиз!

Дилмурод ҚИРҒИЗБОВ,  
публицист.

## НАВРЎЗ МАРОСИМЛАРИ



## ДАРВЕШОНА

Ўзбек халқининг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган шундай урф-одатлари борки, улар давр тўфонларидан омон чиқиб, бугунги кунда ҳам кишилар ўртасида инсонийлик, меҳр-оқибат кўпригига айланган. Дарвешона ана шундай маросимларимиздан саналади. Қизиги, у миллий маросим саналибгина қолмасдан, февраль ойининг охириг кунлари — баҳорнинг бошида қишлоқ ва шаҳар маҳаллаларида аҳолидан тўпланган пул ёки озиқ-овқат ҳисобига ўтказиладиган зиёфат, овқатнинг ҳам номидир.

Бу овқат азалдан дарё бўйларида, катта йўл ёқаларида пишириб тарқатилган. Унинг шу тарихи пиширилмишида ҳам бир ҳикмат бўлса, ажабмас. Кечагидай эсимда, 6-7 ёш пайтларимда бир кун бобомни саволга тутдим: — Бобо, дарбишона нима учун дарё бўйида пиширилади? Ҳамма ўзининг уйда пиширса бўлмайдики? Нимага фалончи бованинг уйига дарбишона бериб кетишди? У касал ётибди, овқат ёлмайди-ку?!

— Э, болам, ҳозир тўқчилик замони, — деб жавоб бергандилар ўшанда бобом, — Бизнинг ёшлигимизда қорнимиз тўйган кун мана шу дарвеш оши пишириладиган кун бўларди. Қиш бўйи асраб-авайлаб еб чиққан бўғдойидан орттириб ҳамма ўз имкони даражасида олиб чиқарди. Йиғилган бўғдой бир жойга тўпланиб, намланиб, келида туйиб, бўғдойнинг устки қисмидаги қипиқлардан тозалангач, Қашқадарё дарёсининг бўйига олиб чиқилар эди. Шу ерда пишириб тарқатиларди. Кучдан қолган қари-қарангларнинг, касал ётганларнинг насибаси эса уйига жўнатиладди. Дарвешона овқати узоқ вақт (4-5 соат) қайнатиб пиширилгани учун уйин-қулги, ҳар хил томошалар, лапар-достон айтишувлари бўларди. Биз болалар бу кунни жуда орзиқиб кутардик, беҳабар қолиб кетишдан хавотирланиб, бир-биримизни “фалон кун дарвешона бўлади”, деб огоҳлантириб турардик.

Дарвешона бўладиган кун оналаримиз уйдан чиқариб берган гилам, кўрпача, идиш-товоқларни завқ-шавқ билан эшакда, баъзан эса пиёда дарё бўйига ташир эдик. Гилам, кўрпачалар худди меҳмон кутишга ҳозирлангандек тўшалар, дастурхонларга “сочала” сочиларди. Овқат пишгач, биринчи навбатда дарвешона маросимига қийолмаган беморлар, қарияларга сочалалар билан

овқатдан насибаси бериб юбориларди. Ҳамма узун қилиб ёзилган бир дастурхон атрофига ўтиришгач, қозон бошидагилар ўтирганларга овқатни сузиб тарқатишарди.

Баъзан дарвешонамиз Қашқадарёнинг бошланиш томонидаги биздан юқори қилиб ёзилган бир дастурхон атрофига ўтиришгач, қозон бошидагилар ўтирганларга овқатни сузиб тарқатишарди. Баъзан дарвешонамиз Қашқадарёнинг бошланиш томонидаги биздан юқори қилиб ёзилган бир дастурхон атрофига ўтиришгач, қозон бошидагилар ўтирганларга овқатни сузиб тарқатишарди. Баъзан дарвешонамиз Қашқадарёнинг бошланиш томонидаги биздан юқори қилиб ёзилган бир дастурхон атрофига ўтиришгач, қозон бошидагилар ўтирганларга овқатни сузиб тарқатишарди.

Маросим охирида барча идишлар ёш келинлар, бўй қизлар томонидан дарёдан сув олиб ювилар, дастурхондаги майда ушоқлар, бундан ташқари, овқатдан ортиб қолгани ҳам баликларнинг ҳақи, деб дарёга ташланарди.

Қизиги, ҳеч ким уйига дарвешонанинг овқатидан олиб кетишни ҳаёлига келтирмасди. Буюм бўлса, одамларнинг назари тўқ бўлгани учун бўлса керак, деб ўйлайман-да. Дарвешона кўпинча қишининг охири, баҳорнинг илк кунларида қишлоқларда ва шаҳар маҳаллаларида айнаи шу худудлар аҳолисида йиғилган пул ёки озиқ-овқат ҳисобига ўтказилар эди...

Бобомнинг ўшанда айтган гапларида жон бор. Қамаш туманида, айниқса, чекка худуддаги маҳаллаларда ҳозир ҳам дарвешона деган овқат пиширилади. “Фалон қишлоқнинг дарвешонаси ширин бўлибди, қишлоқ катталиги учун икки қозон дарвешона пишириб тарқатишибди” каби ибораларга эътибор қилсак, бунда овқат номи ҳақида гап кетаётганини тушунаимиз. Бундан қикди, “дарвешона” сўзи ҳам маросим, ҳам овқат номи экан-да?

Менимча, дарвешона ҳар иккала ҳолатда ҳам авлоддан авлодга ўтиб келаётган, одамларни бир-бирига яқинлаштирадиган миллий қадриятдир. Қадриятлар эса ўтмишни бугун билан боғлайдиган, келажакка дадил қадам қўйишга ундайдиган маънавий занжир саналади. Шундай экан, оила аъзолари, яқин қариндошлар, қишлоқдошлар ўртасида инсонийлик, меҳр-оқибат кўпригига айланиб кетган дарвешона каби маросимлар миллий ўзлгимизни унутмасликда ўзига хос аҳамиятга эга.

Сабохат ХУДОЙҚУЛОВА

## ҚУТЛОВ

Biznesni  
Rivojlantirish  
Banki

21-MART

Navro'z

BAYRAMINGIZ  
MUBORAK BO'LSIN!

1254

www.brb.uz

BRB ilovasida 10 million so'mgacha  
KOMISSIYASIZ o'tkazmalar

Переводы БЕЗ КОМИССИИ  
до 10 млн сум в приложении BRB

Хизматлар лицензияланган.

Hurriyat

Бош муҳаррир  
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Тахририятга келган хатлар доимий  
эътиборимизда.  
Мақола ва хабарларда келтирилган  
маълумотлар учун  
муаллиф жавобгар.

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91  
Тел-факс: (71) 244-32-80  
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Манилими: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.  
Elektron manzil: gazhurrityat@mail.ru; info@zhurrityat.uz



Муассис:  
Ўзбекистон  
Журналистлар  
уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси  
Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан  
руйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.  
Баҳоси келишилган нархда

Адади: 4 507

Буюртма — Г-344

1 2 3 4 5 6

Топширилиш вақти — 21<sup>00</sup>

Топширилди — 21<sup>30</sup>



Обуна индекси:  
якка  
обуначилар ва  
ташқилотлар  
учун — 233

Газета тахририят компьютер марказида терилди  
ва дизайнер Э.Ёлғоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: З.Алибеков, Мусахҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.